

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУНЧИЛИК
ТЎПЛАМИ

28-сон
(1048)
2022 йил
июль

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

244. «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 12 июлдаги ўРҚ–783-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

245. «Концерт-томоша фаолиятини амалга оширувчи шахслардан давлат божини ундириш ҳамда уларни солиққа тортиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 13 июлдаги ПФ–168-сон Фармони

246. «Мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликни янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 июлдаги ПҚ–322-сон қарори

Учинчи бўлим

247. «Ички ишлар органлари томонидан конвой ҳаракатларини амалга оширишда электрон браслетлардан фойдаланишни жорий этиш чоратадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 13 июлдаги 383-сон қарори
248. «Ўзбекистон Республикасида янги барпо этилаётган кўчмас мулк объектларини фуқаролари сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлган хорижий мамлакатлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 13 июлдаги 384-сон қарори
249. «Географик кўрсаткичларни рўйхатдан ўтказиш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 13 июлдаги 385-сон қарори

Бешинчи бўлим

250. Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасининг 2022 йил 30 июндаги 09/ЮБ-25-сон «Саноат хавфсизлиги соҳасидаги эксперт ташкилотларини аккредитация қилиш ва улар фаолияти устидан инспекция назоратини ўтказиш қоидаларининг 1а-иловасига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 13 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2022-4*)
251. Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасининг 2022 йил 30 июндаги 09/ЮБ-26-сон «Саноат хавфсизлиги соҳасидаги экспертларни тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 1-иловасига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 13 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2045-4*)
252. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2022 йил 13 июндаги 12/02-22-0016-сон «Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 13 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2773-8*)
253. Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги 2022 йил 17 июндаги 1-сон ва Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг 2022 йил 15 июндаги 17-сон «Крипто-активлар муомаласи соҳасидаги фаолиятини амалга оширувчи шахслар учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички

назорат қоидаларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 13 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3309-2*)

254. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2022 йил 4 июндаги 13-сон «Ўзбекистон Республикасида алоҳида лицензия олмасдан қимматли қоғозлар бозорида андеррайтинг фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган чет эл банклари ва инвестиция воситачилари учун ягона ва шаффоф мезонларни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 13 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3375*)
255. Ўзбекистон Республикаси спортни ривожлантириш вазирининг 2022 йил 13 июлдаги 9-мх-сон «Спорт турлари бўйича ягона спорт таснифи тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 16 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2921-5*)
256. Ўзбекистон Республикаси спортни ривожлантириш вазирининг 2022 йил 13 июлдаги 8-мх-сон «Гимнастика бўйича республика ихтисослаштирилган олимпия захиралари болалар-ўсмирлар спорт мактабига ўқувчи-спортчиларни конкурс асосида танлаб олиш ва қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 16 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3137-2*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

244 Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2022 йил 7 июнда қабул қилинган

Сенат томонидан 2022 йил 8 июлда
маъқулланган

Ушбу Қонун махсус иқтисодий зоналарнинг иштирокчиларига фойда солиғини тўлашдан озод қилиш тарзидаги солиқ имтиёзларини бериш шартларини, шунингдек мазкур имтиёзларнинг қўлланилиш тартибини ва муддатларини белгилайди.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–599-сонли Қонуни билан янги таҳрирда тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, 12-сонга 1-илова; 2020 йил, № 3, 198-модда, № 10, 593-модда, № 11, 652-модда, № 12, 690, 691-моддалар; 2021 йил, № 1, 6-модда, № 4, 294-модда, 4-сонга илова, № 8, 800-модда, № 9, 901-модда, № 10, 968, 969, 972, 973-моддалар, № 12, 1099-модда; 2022 йил № 2, 79-модда, № 3, 215, 216-моддалар, № 5, 461, 464, 467-моддалар) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) 473-модда:

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Махсус иқтисодий зоналарнинг иштирокчилари фойда солиғини тўлашдан ўзи киритган инвестициялар ҳажмига қараб:

3 миллион АҚШ долларидан 5 миллион АҚШ долларигача бўлган миқдордаги инвестициялар учун — 3 йил муддатга;

5 миллион АҚШ долларидан 15 миллион АҚШ долларигача бўлган миқдордаги инвестициялар учун — 5 йил муддатга;

15 миллион АҚШ доллари ва ундан юқори миқдордаги инвестициялар учун — 10 йил муддатга озод этилади»;

иккинчи ва **учинчи қисмлари** тегишинча **учинчи** ва **тўртинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 13 июлда эълон қилинган.

учинчи қисмидаги «Ушбу модданинг биринчи қисмида» деган сўзлар «Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) 474-модда:

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ушбу Кодекс 473-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган фойда солиғи бўйича имтиёзларнинг амал қилиш муддати махсус иқтисодий зона ҳудудида ишлаб чиқариш (хизматлар кўрсатиш) объекти фойдаланишга қабул қилинган санадан эътиборан ҳисобланади»;

иккинчи ва **учинчи қисмлари** тегишинча **учинчи** ва **тўртинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

3) 483-модда қуйидаги мазмундаги **ўн тўққизинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Махсус иқтисодий зоналарнинг иштирокчилари томонидан фойда солиғи бўйича имтиёзларнинг 2020 йил 1 январдан кейин фойдаланилмай қолган қисми 2020 йил 1 октябрга қадар махсус иқтисодий зоналар иштирокчиларининг реестрига киритилган иштирокчиларга нисбатан улар томонидан киритилган, 2020 йил 1 январга қадар амалда бўлган қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган инвестицияларнинг ҳажмига қараб, мазкур иштирокчилар реестрга киритилган пайтдан эътиборан 3 йилдан 10 йилгача бўлган муддатга тўлиқ қўлланилади. Ушбу қисмнинг қоидалари ушбу Кодекс 473-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган фойда солиғи бўйича имтиёзларнинг амал қилиш муддатига нисбатан татбиқ этилмайди».

2-модда. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

4-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2022 йил 12 июль,
ЎРҚ-783-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

245 Концерт-томоша фаолиятини амалга оширувчи шахслардан давлат божини ундириш ҳамда уларни солиққа тортиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида*

Концерт-томоша фаолиятини амалга ошириш лицензияси учун давлат божини ундириш ва ушбу лицензияга эга шахсларни солиққа тортиш тизимини такомиллаштириш ҳамда санъаткорлар учун қулай ижодий муҳит яратиш мақсадида:

1. Концерт-томоша фаолиятини лицензия асосида амалга оширувчи ижрочиларнинг рейтинг гуруҳлари сони амалдаги 6 тадан 3 тага қисқартирилсин.

Бунда, аҳолига концерт-томоша хизматларини кўрсатиш ҳуқуқи ижрочиларнинг рейтинг гуруҳлари орасида қўйидагича тақсимланади:

а) I рейтинг гуруҳи ижрочиларига:

республика ҳудудида ва унинг ташқарисида яққохон концерт ташкил этиш;

II ва III рейтинг гуруҳлари ижрочилари учун назарда тутилган ҳуқуқлардан фойдаланиш;

б) II рейтинг гуруҳи ижрочиларига:

битта жанрнинг икки ва ундан кўп ижрочилари иштирокидаги концерт-томоша дастурида, турли жанрлар йўналишларининг бир нечта ижрочилари иштирокидаги концерт-томоша дастурида қатнашиш;

оммавий ахборот воситаларида қўшиқлар ва видеоклипларни тақдим этиш;

III рейтинг гуруҳи ижрочиси учун назарда тутилган ҳуқуқлардан фойдаланиш;

в) III рейтинг гуруҳи ижрочиларига:

тўй, юбилей ҳамда бошқа маросим ва тантаналарда, жумладан тўйхона, ресторан, ҳордиқ чиқариш ташкилотлари (клуб, дискотека, бар ва қаҳвахона) ва хусусий уйларда концерт-томоша хизматларини кўрсатиш;

созанда ва раққос(а)лар томонидан битта жанрнинг икки ва ундан кўп ижрочилари иштирокидаги концерт-томоша дастурларини ташкил этиш ва уларда қатнашиш.

2. Концерт-томоша фаолиятини амалга ошириш лицензияси учун давлат божини ундириш бўйича шундай тартиб жорий этилсинки, унга кўра 2022 йил 1 сентябрдан бошлаб:

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 14 июлда эълон қилинган.

а) давлат божи ставкалари пасайтирилади ва қуйидаги миқдорларда белгиланади:

I рейтинг гуруҳи учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 баравари миқдорида;

II рейтинг гуруҳи учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 баравари миқдорида;

III рейтинг гуруҳи учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 3 баравари миқдорида;

б) қуйидаги санъаткорлар давлат божини тўлашдан озод этилади:

ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар;

ногиронлиги бўлган шахслар;

таълим муассасаларида ўқийдиган талабалар — ўқиш муддати давомида;

в) юридик шахс ташкил этган ижодий жамоалардан давлат божи ягона лицензия бўйича ундирилади. Бунда:

лицензияда ижодий жамоа аъзолари тўлиқ кўрсатилади ва улардан лицензия учун давлат божи қўшимча равишда ундирилмайди, ижодий жамоа аъзоси мустақил ижрочи сифатида ижод қилган ҳоллар бундан мустасно;

ижодий жамоа унинг барча аъзолари давлат божини тўлашдан озод қилинган шахслардан таркиб топган тақдирдагина давлат божи тўлашдан озод қилинади.

3. Маданият вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг қуйидаги тақлифларига розилик берилсин:

концерт-томоша фаолиятини лицензия асосида амалга оширувчи жисмоний шахсларга даромад солиғини декларация асосида ёки қатъий белгиланган миқдорда тўлаш ҳуқуқини бериш;

2024 йил 1 январдан бошлаб хонандалардан, 2026 йил 1 январдан бошлаб қолган ижрочилардан даромад солиғини фақат декларация асосида ундириш.

4. Белгилаб қўйилсинки:

а) декларация асосида ёки қатъий белгиланган миқдорда даромад солиғини тўлаш ҳуқуқи хонандаларга 2024 йил 1 январга қадар, концерт-томоша фаолиятини лицензия асосида амалга оширувчи бошқа жисмоний шахсларга 2026 йил 1 январга қадар берилади;

б) декларация асосида солиқ тўлашни танлаган ижрочилар учун:

йиллик умумий даромаднинг 30 фоизи миқдоридаги харажатлар тасдиқловчи ҳужжатлар талаб этилмаган ҳолда чегирилади;

тасдиқланган харажатлар суммаси умумий даромаднинг 30 фоизидан ошган тақдирда қўшимча равишда ушбу даромаднинг 10 фоизи миқдори чегирилади;

лицензия олиш учун ундирилган давлат божи ва ижтимоий солиқ суммалари харажат сифатида қайд этилади ҳамда даромадлар таркибидан чегирилади;

в) қатъий белгиланган миқдордаги солиқ тўлашни танлаган ижрочилардан даромад солиғи бир йилда бир марта қуйидаги миқдорларда ундирилади:

I рейтинг гуруҳи ижрочиларидан 2,7 млн сўм миқдорида;

II рейтинг гуруҳи ижрочиларидан 1,8 млн сўм миқдорида;

III рейтинг гуруҳи ижрочиларидан 1,0 млн сўм миқдорида.

5. Шундай тартиб жорий этилсинки, унга кўра:

2024 йил 1 январга қадар III рейтинг гуруҳи ижрочилари қатъий белгиланган миқдордаги солиқ тўлашдан озод этилади;

2025 йил 1 январга қадар концерт-томоша фаолиятини лицензия асосида амалга оширувчи жисмоний шахслар меҳнат шартномаси асосида банд бўлмаган тақдирда, улардан концерт-томоша фаолияти бўйича ижтимоий солиқ бир йилда базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорида ундирилади;

концерт-томоша фаолиятини лицензия асосида амалга оширувчи жисмоний шахсларнинг юридик шахсларга хизмат кўрсатишдан олган даромадларидан, улар томонидан танланган солиқ режимидан қатъий назар, жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи ва ижтимоий солиқ тўлов манбаида ушлаб қолинади;

юридик шахс ташкил этган ҳолда концерт-томоша фаолиятини лицензия асосида амалга оширувчи ижодий жамоалар жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи ва ижтимоий солиқни юридик шахслар учун ўрнатилган тартибда тўлайди.

6. Концерт-томоша фаолиятини амалга ошириш лицензияси учун давлат божи тўлови лицензия олган йилда амалдаги тартиб бўйича, кейинги йиллардан бошлаб эса қуйидаги тартибда тақсимлансин:

30 фоизи — Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига;

0,5 фоизи — Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиётнинг идоралараро лойиҳаларини молиялаштириш бўйича махсус ҳисобварағига;

қолган маблағлар — лицензияловчи ваколатли орган ҳисобварағига.

7. Давлат солиқ қўмитаси Маданият вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда «Soliq» мобил иловасида лицензия асосида концерт-томоша фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар учун даромадлар тўғрисидаги декларациянинг даромад ва харажатларини кунлик асосда онлайн юритиш имкониятини яратсин.

«Soliq» мобил иловасини мазкур банд талаблари асосида такомиллаштириш харажатлари Давлат солиқ қўмитасининг бюджетдан ташқари жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

8. Маданият вазирлигига вазирликнинг бюджетдан ташқари жамғармаси маблағлари ҳисобидан 2022 йилда 1 млрд сўмгача маблағни «Ўзбекконцерт» давлат муассасаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ходимларини рағбатлантириш учун йўналтиришга рухсат берилсин.

9. Маданият вазирлиги:

Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда мазкур Фармондан келиб чиқиб, жойларда тарғибот ва тушунтириш ишларини ташкил қилиш орқали ижрочиларнинг қонуний тартибда фаолият кўрсатишларига кўмаклашсин;

бир ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Мазкур Фармон ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб маданият вазири О.А. Назарбеков белгилансин.

Фармон ижросини назорат қилиш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг ўринбосари А.А. Джурабаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2022 йил 13 июль,
ПФ-168-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

**246 Мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шерик-
ликни янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-
тадбирлар тўғрисида***

Давлат-хусусий шериклик асосидаги мактабгача таълим ташкилотлари тармоғини кенгайтириш бўйича ишларни жадаллаштириш, болаларнинг мактабгача таълим билан қамраб олиниши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, соҳага хусусий секторни кенг жалб этиш ҳамда мазкур фаолиятни амалга ошираётган тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида:

1. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2022 йил 1 сентябрдан бошлаб:

а) оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотларида:

оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотларига қатнаётган ижтимоий кўмакка мухтож оилаларнинг фарзандлари ва махсус контингентлар сони жами тарбияланувчилар сонининг 70 фоизидан кам бўлган тақдирда, етмаган қисмига бошқа оилаларнинг болаларини қабул қилишга рухсат этилади. Бунда, ушбу болалар учун ота-оналар тўлови шу жойдаги давлат мактабгача таълим ташкилотлари учун белгиланган ҳажмлардан ошмайдиган миқдорда ўрнатилади;

оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотларига тарбиячи ва тар-

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 15 июлда эълон қилинган.

биячи-ёрдамчи лавозимлари учун 4,5 тагача штат бирлигини ажратишга рухсат этилади. Бунда, тарбиячи ва тарбиячи-ёрдамчиларга Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан иш ҳақи харажатларини қоплаш учун субсидия ҳақиқатда банд қилинган, лекин 4,5 тадан (Тошкент шаҳри, Нукус шаҳри ва вилоятлар марказларида — 2,25 тадан) кўп бўлмаган штат бирлигидан келиб чиқиб тўланади;

тарбиячи ва тарбиячи-ёрдамчиларга Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан иш ҳақи харажатларини қоплаш учун субсидия жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи ва бошқа ажратмалар ушлангандан сўнг, тўғридан-тўғри ушбу ходимларнинг пластик картасига ўтказиб берилади;

оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилоти фаолиятини бошлаш учун соғлиқни сақлаш органлари билан мажбурий равишда тарбияланувчиларга тиббий ёрдам кўрсатишга оид шартнома тузиш тартиби бекор қилинади;

б) давлат-хусусий шериклик асосида фаолият юритаётган мактабгача таълим ташкилотларида, шу жумладан оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотларида:

Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тўланадиган субсидия ва компенсациялар миқдорини ҳисоблашда мактабгача таълим ташкилотига қатнаётган 3 ёш ва ундан катта ёшдаги (боқувчисини йўқотган аёлларнинг 2 ёш ва ундан катта ёшдаги), лекин 7 йил 8 ойдан катта бўлмаган ёшдаги тарбияланувчилар ҳисобга олинади;

ота-оналар тўлови миқдорини мустақил равишда белгиланган ҳолда 3 ёшга тўлмаган болаларни ҳам қабул қилишга рухсат этилади. Бунда 3 ёшга тўлмаган болаларга Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан субсидиялар ажратилмайди (боқувчисини йўқотган аёлларнинг 2-3 ёшдаги фарзандлари бундан мустасно);

в) табиий газ учун компенсация марказлашган табиий газ таъминоти мавжуд бўлмаган, лекин иситишнинг бошқа турларидан, шу жумладан суюлтирилган газ ёки кўмир маҳсулотларидан фойдаланаётган давлат-хусусий шериклик асосидаги ва нодавлат мактабгача таълим ташкилотларига ҳам тўланади (оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари бундан мустасно).

2. Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда давлат-хусусий шериклик асосидаги ва нодавлат мактабгача таълим ташкилотларига Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан субсидиялар ва компенсациялар тўлаш тартибини тасдиқласин.

3. Белгилансинки, тадбиркорлик субъектларига уларнинг хоҳишига кўра 2018-2019 йилларда давлат-хусусий шериклик асосидаги нодавлат мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этиш учун берилган кредитлар бўйича имтиёзли давр муддатини 2023 йил 1 августга қадар узайтиришга рухсат этилади.

Бунда:

имтиёзли давр муддати давомида тадбиркорлик субъектлари томонидан кредит бўйича фақат фониз тўловлари амалга оширилади;

имтиёзли даврда тўланиши лозим бўлган асосий қарз бўйича тўловлар кредит даврининг қолган қисмига тенг миқдорда тақсимланади.

4. Нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари тармоғини ривожланти-

риш учун хорижий молия институтлари, шу жумладан Ислом тараққиёт банкидан 30 миллион АҚШ доллари, Кувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармасидан 20 миллион АҚШ доллари ҳамда ОПЕК халқаро ривожланиш жамғармасидан 20 миллион АҚШ доллари миқдорига қарз маблағлари жалб қилиниши қутилаётганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Мақтабгача таълим вазирлиги (А. Шин) икки ой муддатда хорижий молия институтларининг маблағлари ҳисобига 2023-2024 йилларда ҳудудларда давлат-хусусий шериклик асосидаги нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари тармоғини ривожлантириш ва мактабгача таълим қамровини ошириш бўйича дастурни (кейинги ўринларда — Дастур) ишлаб чиқсин ҳамда белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Дастурда:

хар бир ҳудуддаги мавжуд мактабгача таълим ташкилотлари, мактабгача ёшдаги болалар сони ҳамда уларнинг қамрови даражасини ҳисобга олган ҳолда одиллик ва шаффофлик тамойиллари асосида давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини танлаш тартибини;

давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини танлаш жараёнларининг рақамлаштирилишини;

давлат-хусусий шериклик асосидаги нодавлат мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этиш мақсадида кредит ажратиш учун тадбиркорлик субъектларига қўйиладиган талабларни назарда тутсин.

5. Мақтабгача таълим вазирлиги (А. Шин):

Молия вазирлиги (Т. Ишметов), Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (А. Кучимов), Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А. Хаджаев), Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (А. Ходжаев) билан биргаликда 2023 йил 1 январга қадар бир ойда камида бир марта ушбу қарор мақсади ва вазибаларини оммавий ахборот воситаларида ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритиш ишларини ташкил қилсин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

6. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб мактабгача таълим вазири А.В. Шин ҳамда молия вазири Т.А. Ишметов белгилансин.

Қарор ижросини назорат қилиш ва ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2022 йил 14 июнь,
ПҚ-322-сон

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

247 Ички ишлар органлари томонидан конвой ҳаракатларини амалга оширишда электрон браслетлардан фойдаланишни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2021 йил 29 ноябрдаги ПФ–27-сон Фармониغا мувофиқ, шунингдек, ички ишлар органлари томонидан амалга ошириладиган конвой ҳаракатлари давомида қўриқлов остидаги шахслар устидан назоратни кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2021 йил 29 ноябрдаги ПФ–27-сон Фармонида ички ишлар органлари конвой фаолиятига конвой остидаги шахсларни электрон браслетлар орқали назорат қилиш тизимини жорий этиш белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Белгилансинки:

жиноят содир этганликда гумон қилиниб ушлаб турилган, ўзига нисбатан қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган шахслар ва маҳкумлар (кейинги ўринларда — конвой остидаги шахслар)нинг қочиш ҳолатларининг барвақт олдини олиш мақсадида уларни конвой қилиш жараёни (тасдиқланган йўналишда ҳаракатланиши, белгиланмаган ҳудудларда тўхтамаслиги ва бошқалар)ни онлайн тарзда кузатиш тизими жорий этилади;

конво й остидаги шахслар қочишга уринган (электрон браслетни ечиш, шикаст етказиш, конвойчи ходимдан узоқлашиш ва бошқа) ҳолатлар ҳақидаги товушли ва визуал хабарни онлайн режимида автоматик тарзда бириктирилган конвойчи ходимга ва ҳудудий ички ишлар органлари, Қоровул қўшинлари қўмондонлиги ҳарбий қисмлари, тергов хибсхоналари ҳамда жазони ижро этиш колонияларининг навбатчилик қисмларига узатиш имконияти яратилади;

конвой ҳаракатлари давомида қочиб кетган конвой остидаги шахсларни уларга тақилган электрон браслетлардан узатилаётган «GPS» сигналларига мувофиқ «иссиқ изи»дан ушлаш чораларини кўриш йўлга қўйилади.

3. Қўйидагилар:

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 14 июлда эълон қилинган.

конвой остидаги шахслар билан конвой ҳаракатларини амалга ошириш жараёнида электрон браслетлардан фойдаланиш, конвой бўлинмалари ва вақтинча сақлаш хибсхоналари учун ажратилган электрон браслетларни сақлаш ва улардан хизматда фойдаланиш, электрон браслетга шикаст етказилганда ёки йўқотилганда моддий зарарни ундириш тартибини, шунингдек, электрон браслетларни қўллаш жараёнида конвой бўлинмалари ходимлари ҳамда конвой қилинувчиларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини назарда тутувчи Ички ишлар органлари томонидан конвой ҳаракатларини амалга оширишда электрон браслетлардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

2022 — 2024 йилларда ички ишлар органлари бўлинмаларини электрон браслетлар билан таъминлаш дастури (кейинги ўринларда — Дастур) 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги:

уч ой муддатда манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ички ишлар органлари томонидан конвой ҳаракатларини амалга оширишда фойдаланиладиган электрон браслетлар бўйича техник топшириқни ишлаб чиқсин ҳамда белгиланган тартибда тасдиқласин;

«Давлат харидлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган тартибда ўтказиладиган тендер натижаларига асосан Дастурда белгиланган миқдорларда электрон браслетлар харидини амалга оширсин;

2024 йил 1 декабрга қадар ички ишлар органлари конвой бўлинмалари Дастурда белгиланган ҳажмда ва муддатларда электрон браслетлар билан тўлиқ таъминлаш чораларини кўрсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисида» 2021 йил 29 ноябрдаги ПФ–27-сон Фармониغا мувофиқ ички ишлар органларининг конвой бўлинмалари учун электрон браслетларни харид қилиш ва фойдаланиш билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши инobatга олинсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири П.Р. Бобожонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 13 июль,
383-сон

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил 13 июлдаги 383-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Ички ишлар органлари томонидан конвой ҳаракатларини
амалга оширишда электрон браслетлардан фойдаланиш
тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом жиноят содир этганликда гумон қилиниб ушлаб турилган, ўзига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган шахслар ҳамда маҳкумлар (кейинги ўринларда — конвой остидаги шахслар) билан конвой ҳаракатларини амалга оширишда ички ишлар органлари томонидан электрон браслетлардан фойдаланиш тартибини белгилайди.

2. Ички ишлар органлари ходимлари томонидан электрон браслетлардан фойдаланиш Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига ҳамда ушбу Низом талабларига мувофиқ амалга оширилади.

3. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

конвой — жиноят содир этганликда гумон қилиниб ушлаб турилган, ўзига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган шахслар ҳамда маҳкумларни белгиланган манзилга қўриқлаб бориш;

конвой остидаги шахслар — конвой қилинаётган, жиноят содир этганликда гумон қилиниб ушлаб турилган, ўзига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган шахслар ҳамда маҳкумлар;

конвой бўлинмалари — конвой остидаги шахсларни белгиланган манзилга қўриқлаб бориш борасидаги вазифаларни амалга оширувчи ички ишлар органларининг бўлинмалари;

электрон браслет — конвой остидаги шахслар қочишга уринган (электрон браслетни ечиш, шикаст етказиш, конвойчи ходимдан узоқлашиш ва бошқа) ҳолатлар ҳақида онлайн режимида автоматик тарзда товушли ва визуал хабар берувчи, шунингдек, конвой остидаги шахсларнинг ҳаракатланишини онлайн назорат қилиш имкониятни яратувчи электрон қурилма.

4. Конвой ҳаракатларини амалга ошириш учун қуйидагилар асос бўлади: суд, суриштирув ва дастлабки тергов органларининг талабномалари; суд ажрими (ҳукми);

ички ишлар органларининг вақтинча сақлаш ҳибсхоналари ҳамда тергов ҳибсхоналарида сақланаётган шахсларни ва жазони ижро этиш колонияларида жазо муддатини ўтаётган маҳкумларни тиббиёт муассасасига жойлаштириш ёки тиббиёт муассасасида текширувдан ўтказиш лозимлиги тўғрисида тиббиёт ходимининг маълумотномаси.

5. Электрон браслетлар билан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари (кейинги ўринларда — Қоровул қўшинлари), ички ишлар органларининг конвой бўлинмалари, вақтинча сақлаш ҳибсхоналари, тергов ҳибсхоналари ва жазони ижро этиш колониялари таъминланади.

6. Электрон браслетлардан фақат конвой остидаги шахслар билан барча конвой ҳаракатларини амалга ошириш жараёнида, шунингдек, ички ишлар органларининг вақтинча сақлаш ҳибсхоналари ҳамда тергов ҳибсхоналарида сақланаётган шахсларнинг ва жазони ижро этиш колонияларида жазо муддатини ўтаётган маҳкумларнинг соғлиқни сақлаш тизимидаги тиббиёт муассасаларида стационар даволаниши ёки тиббиёт муассасасида тиббий текширувдан ўтказиш даврида улар устидан тўлиқ назорат ўрнатиш мақсадида фойдаланилади.

2-боб. Электрон браслетларни сақлаш

7. Конвой бўлинмалари ва вақтинча сақлаш ҳибсхоналари учун ажратилган электрон браслетлар, улар жойлашган ички ишлар органларининг навбатчилик қисмларидаги махсус воситаларни сақлаш хоналарида, Қоровул қўшинлари қўмондонлиги учун ажратилган электрон браслетлар ҳарбий қисм бўлинмалари махсус воситаларни сақлаш хоналарида, тергов ҳибсхоналари ва жазони ижро этиш колониялари учун ажратилган электрон браслетлар эса ушбу муассасаларнинг махсус хоналарида сақланади.

8. Электрон браслетлар алоҳида жавонлар, сейфлар ёки махсус ажратилган жойларда сақланади.

9. Электрон браслетларнинг ҳаракати ушбу Низомга иловага* мувофиқ шаклда Қоровул қўшинлари қўмондонлиги ҳарбий қисмлари, ички ишлар органлари, тергов ҳибсхоналари ва жазони ижро этиш колониялари навбатчилик қисмлари томонидан алоҳида юритиладиган Электрон браслетларни тарқатиш ҳамда қабул қилиш журналида (кейинги ўринларда — журнал) қайд этилади.

10. Журналда қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

электрон браслет берилган ходим (ҳарбий хизматчи) фамилияси, исми ва отасининг исми ҳамда имзоси;

берилган электрон браслетнинг индивидуал рақамлари;

электрон браслет берилган ҳамда қабул қилиб олинган сана ва вақт;

электрон браслетнинг топшириш вақтидаги ҳолати (соз ёки носозлиги);

электрон браслетни қабул қилиб олган масъул шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми ҳамда имзоси.

11. Журнал белгиланган тартибда Қоровул қўшинлари қўмондонлиги, ички ишлар органлари, тергов ҳибсхоналари ва жазони ижро этиш колониялари девонхоналарида рўйхатдан ўтказилади.

12. Журнални сақлаш ва йўқ қилиш ички ишлар органларида махсус

* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

воситаларни бериш ва қабул қилиш журнаlines юритишга (сақлаш ва уларни йўқ қилиш) белгиланган талаблар асосида амалга оширилади.

13. Электрон браслетларнинг техник созлиги, электр қувватининг тўлиқлиги Қоровул қўшинлари қўмондонлиги ҳарбий қисм бўлинмаларининг навбатчилари, ҳудудий ички ишлар органлари ва тергов ҳибсхоналари ҳамда жазони ижро этиш колониялари навбатчилик қисмлари масъул ходимлари томонидан доимий равишда назорат қилиб борилади. Хизматга жалб этилаётган ходим (ҳарбий хизматчи)ларга носоз ёки электр қуввати тўлиқ бўлмаган электрон браслетлар берилишига йўл қўйилмайди.

14. Электрон браслетни қабул қилиб олган ходим (ҳарбий хизматчи) махсус тасма бутлигини, махсус мослама созлигини ва электр қуввати тўлигини, электрон браслетнинг «GPS» сигнали ишлаётганлигини текширади.

Электрон браслетда носозликлар аниқланганида носоз электрон браслет топширилиб, соз электрон браслетга алмаштирилади.

Электрон браслетдан фойдаланишдан олдин ходим (ҳарбий хизматчи) томонидан унинг махсус тасмасига дезинфекция воситалари (антисептик, спирт) ёрдамида ишлов берилади.

15. Конвой ҳаракатлари яқунлангандан сўнг ходим (ҳарбий хизматчи) томонидан махсус тасмага дезинфекция воситалари (антисептик, спирт) ёрдамида ишлов берилган ҳолда электрон браслетлар тегишлича Қоровул қўшинлари ҳарбий қисмлари бўлинмаларининг навбатчиларига ва ҳудудий ички ишлар органларининг навбатчилик қисмларига, шунингдек, тергов ҳибсхоналари ва жазони ижро этиш колонияларининг махсус хоналарига топширилади.

16. Топширилаётган электрон браслетлар Қоровул қўшинлари қўмондонлиги ҳарбий қисм бўлинмалари навбатчиларининг, ҳудудий ички ишлар органлари, тергов ҳибсхоналари ва жазони ижро этиш колонияларининг навбатчилик қисмлари масъул ходимлари томонидан ташқи кўрикдан ўтказилгандан сўнг журналга имзо қўйиш йўли билан қабул қилиб олинади.

3-боб. Электрон браслетлардан хизматда фойдаланиш

17. Конвой ҳаракатларига жалб этилаётган ҳар бир ходим (ҳарбий хизматчи) конвой қилинадиган шахслар сонидан келиб чиқиб электрон браслетлар билан таъминланади.

18. Соғлиқни сақлаш тизимидаги тиббиёт муассасаларига стационар даволаниш учун жойлаштириладиган ёки тиббиёт муассасаларида тиббий текширувдан ўтказиш учун кўриқлашга хизматга жалб этиладиган ходимлар ҳудудий ички ишлар органлари, тергов ҳибсхоналари ва жазони ижро этиш колониялари бошлиқлари қарорлари асосида белгиланиб, уларга электрон браслетлар конвой қилинадиган шахслар сонидан келиб чиққан ҳолда ажратилади.

19. Ходим (ҳарбий хизматчи) конвой қилинадиган шахс жойлашган манзилга етиб борганидан сўнг унга бириктирилаётган конвой қилинувчига хавфсизлик чораларини кўрган ҳолда ўзидаги электрон браслетни тақиб,

махсус калит билан кулфлайди ва бутун конвой ҳаракатлари давомида индивидуал тартибда назорат қилади.

20. Электрон браслет конвой қилинувчи оёғининг болдир қисмига тақилади. Конвой қилинувчиларнинг оёғига электрон браслетларни тақиш имконияти мавжуд бўлмаган ҳолларда (суяк синиши, бошқа жароҳатлар билан тиббий муолажа кўрсатилган ва ҳоказо) электрон браслетни қўлнинг билак қисмига тақишга рухсат берилади.

Аёл жинсидаги конвой қилинувчига электрон браслет шу жинсидаги ходим (ҳарбий хизматчи) томонидан тақилади.

Аёл жинсидаги ходим (ҳарбий хизматчи) бўлмаган тақдирда, конвой қилинувчи аёлга электрон браслетни қўлининг билак қисмига тақишга рухсат берилади.

21. Имплант қилинган кардиостимуляторга эга, юқумли тери касалликлари бўлган ҳамда туғма ногиронлиги сабабли танасининг оёқ аъзоси бўлмаган ва ҳомиладор конвой қилинувчиларга электрон браслетлар тақилмайди.

22. Конвой ҳаракатларини ўтказиш жараёнида ва конвой остидаги шахснинг соғлиқни сақлаш тизимидаги тиббиёт муассасасида стационар даволаниш ёки тиббий текширувдан ўтиш даврида электрон браслет конвой остидаги шахснинг оёғидан (ёки қўлидан) ечилмайди ҳамда доимий ишчи ҳолатда бўлиши таъминланади.

Электрон браслетнинг қуввати тугаган тақдирда, ходим (ҳарбий хизматчи) томонидан бу ҳақида навбатчилик қисми огоҳлантирилиб, конвой остидаги шахснинг оёғидан (ёки қўлидан) электрон браслет ечиб олинади ва уни маълум вақт ичида қувватлаш чоралари кўрилади.

23. Стационар даволанишга ётқизилган конвой остидаги шахсга жарроҳлик муолажаси ўтказилиши сабабли жарроҳлик муолажасини ўтказувчи шифокор талаби асосида электрон браслетни ечиш зарурати юзага келганида, ходим бу ҳақида навбатчилик қисмини огоҳлантиради ва конвой остидаги шахс жарроҳлик хонасига олиб кирилишидан олдин электрон браслетни ечиб олади.

Жарроҳлик амалиётидан сўнг конвой остидаги шахс палатага олиб чиқилганида, ходим шифокор рухсати билан электрон браслетни қайта конвой остидаги шахсга тақади ва бу ҳақида навбатчилик қисмига ахборот беради.

24. Конвой остидаги шахслардан электрон браслетлар конвой ҳаракатлари тўлиқ якунланганидан сўнг, ички ишлар органларининг тегишли вақтинча сақлаш ҳибсхоналари ҳамда тергов ҳибсхоналари ва жазони ижро этиш колониялари маъмурий биноларининг ичида ечиб олинади.

25. Электрон браслетнинг товушли сигнали ишга тушган тақдирда, ходим (ҳарбий хизматчи) юзага келаётган вазиятдан келиб чиққан ҳолда конвой остидаги шахснинг электрон браслетни ечишга, унга шикаст етказишга ёки қочишга бўлган уринишларини бартараф этиш (тўхтатиш, чек қўйиш, назоратни кучайтириш), конвой остидаги шахс қочган тақдирда, уни таъқиб қилиш ва ушлашга қаратилган чораларни кўради.

26. Электрон браслетнинг товушли ва визуал сигнали ишга тушган

тақдирда, ҳудудий ички ишлар органлари, Қоровул қўшинлари қўмондонлиги ҳарбий қисмлари, тергов ҳибсхоналари ҳамда жазони ижро этиш колонияларининг навбатчилик қисмлари масъул ходими зудлик билан ҳолатга аниқлик киритади ва бевосита раҳбарига хабар беради.

27. Электрон браслетнинг товушли ва визуал сигнали ишга тушиш сабабларига аниқлик киритиш жараёнида конвой остидаги шахснинг қочганлиги тасдиқланган тақдирда, ҳудудий ички ишлар органлари, Қоровул қўшинлари қўмондонлиги ҳарбий қисмлари, тергов ҳибсхоналари ҳамда жазони ижро этиш колонияларининг навбатчилик қисмлари масъул ходими зудлик билан ички ишлар органларининг қўшимча куч ва воситаларини жалб қилиб, қочган конвой остидаги шахсга тақилган электрон браслетдан узатилаётган «GPS» сигналига мувофиқ уларни тегишли ҳудудга йўналтиради. Мазкур ҳаракатлар қочган конвой остидаги шахснинг ушлангунига қадар давом этади.

28. Электрон браслетнинг товушли ва визуал сигнали ишга тушиши билан боғлиқ ҳар бир ҳолат ҳудудий ички ишлар органлари, Қоровул қўшинлари қўмондонлиги ҳарбий қисмлари, тергов ҳибсхоналари ҳамда жазони ижро этиш колонияларининг навбатчилик қисмлари масъул ходими томонидан белгиланган тартибда қайд қилинади.

4-боб. Электрон браслетга шикаст етказилганда ёки йўқотилганда моддий зарарни ундириш тартиби

29. Электрон браслетнинг корпусида шикастланишлар, носозликлар аниқланганида ёхуд улар йўқотилганида Қоровул қўшинлари қўмондонлиги ҳарбий қисмлари бўлинмалари навбатчилари, ҳудудий ички ишлар органларининг, тергов ҳибсхоналарининг ва жазони ижро этиш колониялари навбатчилик қисмлари масъул ходимлари томонидан зудлик билан раҳбариятга ёзма равишда ахборот берилади ҳамда журналга тегишли ёзувлар киритилади.

30. Электрон браслетларнинг механик ёки бошқа турда шикастланганлиги факти аниқланган тақдирда, шу куннинг ўзида Қоровул қўшинлари қўмондонлиги ҳарбий қисмлари, ҳудудий ички ишлар органлари ҳамда тергов ҳибсхоналари ва жазони ижро этиш колонияларининг раҳбарлари кўрсатмасига биноан текширув ишларини ўтказиш бўйича комиссия тузилади.

Комиссия таркиби Қоровул қўшинлари қўмондонлиги ҳарбий қисмлари, ҳудудий ички ишлар органлари, тергов ҳибсхоналари ҳамда жазони ижро этиш колонияларининг раҳбарлари томонидан белгиланиб, унинг таркибига ушбу бўлинмаларнинг масъул ходимлари ҳамда электрон браслетлардан хизматда фойдаланган ходимларнинг бевосита раҳбарлари (ёки командирлари) киритилади.

31. Текширув ўтказишда электрон браслетларнинг механик ёки бошқа турда шикастланганлиги сабаблари, шарт-шароитлари тўлиқ ўрганиб чиқилади ва натижаси бўйича тегишли қарор қабул қилинади.

Электрон браслетларнинг йўқотилиши ҳолати юзасидан эса белгиланган тартибда хизмат текшируви тайинланади ва ўтказилади.

32. Ходим (ҳарбий хизматчи) томонидан электрон браслетларга механик ёки бошқа турдаги шикаст етказилганлиги ёки йўқотилганлиги фактлари аниқланган тақдирда, белгиланган тартибда моддий жавобгарлик чоралари қўлланилади.

33. Электрон браслетларга конвой остидаги шахс қасддан механик ёки бошқа турдаги шикастни етказган тақдирда, етказилган моддий зарарнинг ўрни конвой остидаги шахс томонидан қопланади.

34. Етказилган моддий зарар миқдори Қоровул қўшинлари қўмондонлиги ҳарбий қисмлари, ҳудудий ички ишлар органлари, тергов ҳибсхоналари ва жазони ижро этиш колониялари раҳбарларининг қарори билан белгиланади. Мазкур қарор конвой остидаги шахсга тилхат олиш йўли билан эълон қилинади. Конвой остидаги шахс қарор устидан юқори турувчи мансабдор шахсга, прокурорга ёки судга шикоят қилиши мумкин.

35. Конвой остидаги шахс моддий зарарнинг ўрнини ихтиёрий равишда қоплашни рад этган тақдирда, бу зарар қонунга мувофиқ суд тартибида ундирилади.

36. Етказилган моддий зарар учун нотўғри ундирилган суммалар конвой остидаги шахсга қайтарилиши лозим.

37. Конвой остидаги шахс етказган моддий зарар ўрни унинг қариндошлари ёки бошқа шахслар томонидан уларнинг розилиги билан қопланиши мумкин.

38. Конвой остидаги шахс суд ҳукмига асосан жазони ижро этиш муассасасига юборилганда, ўрни қопланмаган моддий зарар ушбу муассаса маъмурияти томонидан маҳкумнинг шахсий ҳисобварағига тушадиган маблағлар ҳисобидан ундирилади.

39. Конвой остидаги шахс қамоқдан озод қилинган тақдирда, у томондан ўрни қопланмаган моддий зарар қонунга мувофиқ суд тартибида ундирилади.

5-боб. Электрон браслетларни қўллашда конвой бўлинмалари ходимларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

40. Электрон браслетларни қўллашда конвой бўлинмалари ходимлари (ҳарбий хизматчилари) қуйидаги ҳуқуқларга эга:

конвой остидаги шахслардан электрон браслетларни ечиш ёки унга зарар етказиш билан боғлиқ ҳаракатларни дарҳол тўхтатишни талаб қилиш;

конвой остидаги шахслар томонидан электрон браслетларни ечиш ёки унга зарар етказиш борасида ҳаракатларга барҳам бериш, уларни барта-раф этиш;

конвой остидаги шахслар томонидан носоз ҳолатга келтирилган электрон браслетларни ечиб олиш.

41. Электрон браслетларни қўллашда конвой бўлинмалари ходимлари (ҳарбий хизматчилари) қуйидаги мажбуриятларни бажаради:

электрон браслет тақиладиган конвой остидаги шахсларга уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини тушунтириш;

конвой остидаги шахснинг мурожаати асосида электрон браслетни жароҳат мавжуд бўлган оёқдан (ёки қўлдан) ечиб, соғ оёққа (ёки қўлга) тақиш;

конвой остидаги шахслар томонидан носоз ҳолатга келтирилган электрон браслетлар тўғрисида бевосита раҳбарларига билдирги асосида ёзма ахборот бериш.

6-боб. Электрон браслетларни қўллашда конвой остидаги шахсларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

42. Электрон браслетларни қўллашда конвой остидаги шахслар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

электрон браслет тақилганида ўзининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисидаги маълумотларни олиш;

электрон браслет тақилаётган оёғи (ёки қўли)да жароҳат мавжуд бўлганида, уни соғ оёғи (ёки қўли)га, шунингдек, кийими устидан тақилишини сўраш.

Конвой остидаги шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

43. Конвой ҳаракатлари даврида конвой остидаги шахсларга электрон браслетларни ўзбошимчалик билан ечмаслик ҳамда унга зарар етказиш борасидаги ҳаракатларни амалга оширмаслик мажбурияти юкланади.

Конвой остидаги шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга.

7-боб. Яқунловчи қоидалар

44. Қоровул қўшинлари қўмондонлиги ҳарбий қисмлари, ҳудудий ички ишлар органлари, тергов ҳибсхоналари ва жазони ижро этиш колониялари раҳбарлари носоз бўлган электрон браслетларни таъмирлаш ёки янги-сига алмаштириш чораларини кўришлари зарур.

45. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгилаган тартибда жавоб берадилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**248** Ўзбекистон Республикасида янги барпо этилаётган кўчмас мулк объектларини фуқаролари сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлган хорижий мамлакатлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва хусусий секторни ривожлантириш орқали барқарор иқтисодий ўсиш учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги навбатдаги ислохотлар тўғрисида» 2022 йил 8 майдаги ПФ–101-сон Фармони ижросини таъминлаш ҳамда янги барпо этилаётган кўчмас мулк объектларига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва хусусий секторни ривожлантириш орқали барқарор иқтисодий ўсиш учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги навбатдаги ислохотлар тўғрисида» 2022 йил 8 майдаги ПФ–101-сон Фармонига мувофиқ рўйхати Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган хорижий давлатлар фуқароларига Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномасини талаб қилмаган ҳолда, янги барпо этилаётган қуйидаги кўчмас мулк объектларини (бундан ер участкаси мустасно) сотиб олиш тарзида инвестиция киритиш ҳуқуқи берилганлиги маълумот учун қабул қилинсин:

Тошкент вилояти, Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида — қурилиш даврида тузилган шартномаларга асосан қиймати 150 000 АҚШ доллари эквивалентидан, фойдаланишга қабул қилинган кўчмас мулк объектларида қиймати 180 000 АҚШ доллари эквивалентидан кам бўлмаган кўчмас мулк объектлари;

бошқа ҳудудларда — қурилиш даврида тузилган шартномаларга асосан қиймати 70 000 АҚШ доллари эквивалентидан, фойдаланишга қабул қилинган кўчмас мулк объектларида қиймати 85 000 АҚШ доллари эквивалентидан кам бўлмаган кўчмас мулк объектлари.

Бунда, мазкур бандда назарда тутилган кўчмас мулк объектларини сотиб олиш хорижий давлатлар фуқароларига Ўзбекистон Республикасида доимий рўйхатдан ўтиш ва яшаш гувоҳномасини олиш учун асос бўлмайди.

2. Ўзбекистон Республикасида янги барпо этилаётган кўчмас мулк объектларини (бундан ер участкаси мустасно) фуқаролари яшаш гувоҳномасисиз сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлган хорижий мамлакатлар рўйхати I-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилансинки, ушбу қарор мақсадлари учун қурилиш ишлари бошланган, бироқ фойдаланишга қабул қилинмаган, шунингдек туман (шаҳар)

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 14 июлда эълон қилинган.

хокимининг қурилиши тугалланган бинони, иншоотни, уй-жойни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисида комиссия далолатномасини тасдиқлаш ҳақидаги қарори ёки қурилиш-монтаж ишлари тугалланган объектдан фойдаланиш учун рухсатнома бериш асосида мулк ҳуқуқи вужудга келган ҳамда фойдаланишга қабул қилиб олинганига уч йилдан кўп бўлмаган кўчмас мулк объектлари янги барпо этилаётган кўчмас мулк объектлари ҳисобланади.

4. Ташқи ишлар вазирлиги Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги дипломатик ваколатхоналари орқали оммавий ахборот воситаларида республикада янги барпо этилаётган кўчмас мулк объектларини сотиб олиш тарзида инвестиция киритиш ҳуқуқи жорий этилганлигини кенг тарғиб қилиш чораларини кўрсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 18 ноябрдаги 726-сон қарори билан тасдиқланган Нотариуслар томонидан кўчмас мулкларни бошқа шахсга ўтказиш ҳақидаги битимларни тасдиқлашнинг маъмурий регламентига 2-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

6. Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда олти ой давомида ушбу қарор ижросини мувофиқлаштириб борсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари — иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Қўчқоров ҳамда Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Р.Қ. Давлетов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 13 июль,
384-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил 13 июлдаги 384-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикасида янги барпо этилаётган
кўчмас мулк объектларини (бундан ер участкаси мустасно)
фуқаролари яшаш гувоҳномасисиз сотиб олиш ҳуқуқига
эга бўлган хорижий мамлакатлар
РЎЙХАТИ**

1. Австралия Иттифоқи
2. Австрия Республикаси
3. Озарбайжон Республикаси
4. Антигуа ва Барбуда
5. Аргентина Республикаси
6. Барбадос
7. Белиз
8. Венесуэла Боливар Республикаси
9. Ватикан
10. Люксембург Буюк Герцоглиги
11. Венгрия
12. Уругвай Шарқий Республикаси
13. Бруней-Доруссалом давлати
14. Исроил Давлати
15. Гренада
16. Греция Республикаси
17. Грузия
18. Шри-Ланка Демократик Социалистик Республикаси
19. Доминикана Республикаси
20. Ирландия
21. Баҳрайн Қироллиги
22. Исландия
23. Италия Республикаси
24. Канада
25. Қирғизистон Республикаси
26. Андорра Князлиги
27. Лихтенштейн Князлиги
28. Монако Князлиги
29. Гайана Кооператив Республикаси
30. Бельгия Қироллиги
31. Бутан Қироллиги
32. Дания Қироллиги
33. Испания Қироллиги
34. Марокаш Қироллиги
35. Нидерландия Қироллиги

36. Норвегия Қироллиги
37. Таиланд Қироллиги
38. Швеция Қироллиги
39. Латвия Республикаси
40. Литва Республикаси
41. Малайзия
42. Мальдив Республикаси
43. Мексика Қўшма Штатлари
44. Мўғулистон
45. Янги Зеландия
46. Бирлашган Араб Амирликлари
47. Португалия Республикаси
48. Албания Республикаси
49. Болгария Республикаси
50. Босния ва Герцеговина Республикаси
51. Беларусь Республикаси
52. Гватемала Республикаси
53. Гондурас Республикаси
54. Индонезия Республикаси
55. Қозоғистон Республикаси
56. Кипр Республикаси
57. Корея Республикаси
58. Коста-Рика Республикаси
59. Маврикий Республикаси
60. Македония Республикаси
61. Мальта Республикаси
62. Молдова Республикаси
63. Науру Республикаси
64. Палау Республикаси
65. Панама Республикаси
66. Перу Республикаси
67. Польша Республикаси
68. Сан-Марино Республикаси
69. Сейшель Ороллари Республикаси
70. Сербия Республикаси
71. Сингапур Республикаси
72. Словения Республикаси
73. Суринам Республикаси
74. Тринидад ва Тобаго Республикаси
75. Тожикистон Республикаси
76. Фижи Республикаси
77. Филиппин Республикаси
78. Хорватия Республикаси
79. Чили Республикаси
80. Эквадор Республикаси

81. Россия Федерацияси
82. Руминия
83. Сент-Винсент ва Гренадин
84. Сент-Люсия
85. Словакия Республикаси
86. Багама Ороллари Ҳамдўстлиги
87. Доминикана Ҳамдўстлиги
88. Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллиги
89. Америка Қўшма Штатлари
90. Вьетнам Социалистик Республикаси
91. Туркменистон
92. Туркия Республикаси
93. Украина
94. Бразилия Федератив Республикаси
95. Германия Федератив Республикаси
96. Сент-Китс ва Невис Федерацияси
97. Финляндия Республикаси
98. Франция Республикаси
99. Черногория
100. Чехия Республикаси
101. Швейцария Конфедерацияси
102. Эстония Республикаси
103. Жанубий Африка Республикаси
104. Ямайка
105. Япония
106. Қувайт Давлати
107. Қатар Давлати
108. Уммон Султонлиги

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил 13 июлдаги 384-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Нотариуслар томонидан кўчмас мулкларни бошқа
шахсга ўтказиш ҳақидаги битимларни тасдиқлашнинг
маъмурий регламентига киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 18-банднинг иккинчи хатбошиси «(кар-соқов, кар, қулоғи оғир, заиф эшитувчи)» сўзларидан кейин «бўлган» сўзи билан тўлдирилсин.

2. 32-бандда:

а) биринчи хатбоши «яшаш гувоҳномаси» сўзларидан кейин «ёки ID-картаси» сўзлари билан тўлдирилсин;

б) иккинчи — олтинчи хатбошилар чиқариб ташлансин.

3. Қуйидаги мазмундаги 32¹-банд билан тўлдирилсин:

«32¹. Хорижий давлат фуқаролари қуйидаги шартларда кўчмас мулкни сотиб олган тақдирда уларнинг Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси талаб қилинмайди:

а) Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сон Фармонига 6-иловада кўрсатилган хорижий мамлакатлар фуқаролари:

Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрида — 300 000 АҚШ доллари эквивалентидан кам бўлмаган миқдорда;

Самарқанд, Бухоро, Наманган, Андижон, Фарғона ва Хоразм вилоятларида — 200 000 АҚШ доллари эквивалентидан кам бўлмаган миқдорда;

Қорақалпоғистон Республикаси ва республиканинг бошқа вилоятларида — 100 000 АҚШ доллари эквивалентидан кам бўлмаган миқдорда.

б) Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2022 йил 8 апрелдаги ПФ-101-сон Фармонига мувофиқ рўйхати Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган хорижий давлатлар фуқаролари янги барпо этилган кўчмас мулк объектларини (бундан ер участкаси мустасно) қуйидагича сотиб олиш тарзида инвестиция киритган ҳолда:

Тошкент вилояти, Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида — қурилиш даврида тузилган шартномаларга асосан қиймати 150 000 АҚШ доллари эквивалентидан, фойдаланишга қабул қилинган кўчмас мулк объектларида қиймати 180 000 АҚШ доллари эквивалентидан кам бўлмаганда;

бошқа ҳудудларда — қурилиш даврида тузилган шартномаларга асосан қиймати 70 000 АҚШ доллари эквивалентидан, фойдаланишга қабул қилинган кўчмас мулк объектларида қиймати 85 000 АҚШ доллари эквивалентидан кам бўлмаган.

Мазкур бандда назарда тутилган кўчмас мулкни сотиб олишда ўзаро ҳисоб-китоблар банк ҳисобварақлари орқали амалга оширилади ҳамда уни тасдиқловчи ҳужжат нотариусга тақдим этилади.

«IT-visa»га эга бўлган хорижий фуқаролар ва уларнинг оила аъзолари (турмуш ўртоғи, ота-онаси ва фарзандлари) томонидан кўчмас мулк сотиб олишда уларга нисбатан мазкур бандда кўрсатилган кўчмас мулкнинг қиймати татбиқ этилмайди ва Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси талаб қилинмайди.

Ўзбекистон Республикаси визасиз режим жорий қилинган мамлакатларнинг ахборот технологиялари соҳасидаги хорижий инвесторлар ва мутахассисларга, шунингдек, IT-парк резидентларининг таъсисчилари (иштирокчилари)га «IT-visa» ўрнига IT-парк дирекцияси томонидан тавсиянома берилади. Бундай тавсиянома «IT-visa»га тенглаштирилади».

4. 33-бандда:

а) биринчи хатбоши «яшаш гувоҳномасига» сўзларидан кейин «ёки ID-картасига» сўзлари билан тўлдирилсин;

б) учинчи ва тўртинчи хатбошилар қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Тошкент шаҳри ҳудудида камида уч йил доимий яшаб турган (лавозимда бўлган) ва Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 28 сентябрдаги 593-сон қарори билан тасдиқланган Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиш тартиби тўғрисидаги низомнинг иловасидаги Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида доимий рўйхатга олишиши ҳуқуқига эга бўлган шахслар — чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар тоифаларининг рўйхатининг (кейинги ўринларда — Рўйхат) 2, 3, 6 ва 7-бандларига мувофиқ Тошкент шаҳрида доимий рўйхатга олинган чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахс ҳисобланса ва ички ишлар органларининг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмаларининг (кейинги ўринларда — М ва ФРБ) доимий рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги маълумотномасини тақдим этса. Бунда, нотариус:

Рўйхатнинг 2 ва 3-бандлари асосида доимий рўйхатга олинган шахснинг доимий рўйхатга олинганлигига унинг қайд варағи орқали уч йил тўлганлигини».

5. 34-бандда:

а) биринчи хатбоши «яшаш гувоҳномасига» сўзларидан кейин «ёки ID-картасига» сўзлари билан тўлдирилсин;

б) иккинчи ва учинчи хатбошилардаги «рўйхатдан ўтган» сўзлари «рўйхатга олинган» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) тўртинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Рўйхатнинг 2 ва 3-бандлари асосида доимий рўйхатга олинган шахснинг доимий рўйхатга олинганлигига унинг қайд варағи орқали уч йил тўлганлигини».

6. 35-бандда:

а) биринчи хатбоши «яшаш гувоҳномасига» сўзларидан кейин «ёки ID-картасига» сўзлари билан тўлдирилсин;

б) учинчи хатбошидаги «хорижий фирмалар, компаниялар ва банкларнинг» сўзлари «хорижий банкларнинг» сўзлари билан алмаштирилсин.

7. 45-бандда:

а) еттинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

б) саккизинчи хатбоши еттинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

8. 65-банддаги «амалга оширилганлиги учун» сўзлари «учун ундирилган» сўзлари билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**249** Географик кўрсаткичларни рўйхатдан ўтказиш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида*

«Географик кўрсаткичлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ географик кўрсаткичларни рўйхатдан ўтказиш бўйича давлат хизматини кўрсатиш тартибини белгилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. «Географик кўрсаткичлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан Географик кўрсаткичларни рўйхатдан ўтказиш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурий регламенти тасдиқланиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи Географик кўрсаткичларни рўйхатдан ўтказиш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурий регламенти 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

минтақавий брендларни ривожлантиришга қаратилган интеллектуал мулк объекти сифатида географик кўрсаткичларни ва (ёки) географик кўрсаткичлардан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказиш тартиби;

жисмоний ва (ёки) юридик шахс (талабнома берувчи) томонидан географик кўрсаткичларни ва (ёки) географик кўрсаткичлардан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказишга доир талабномани ваколатли орган (Адлия вазирлиги)га топшириш тартиби ва шартлари;

талабномани резидентлар учун — ваколатли органнинг махсус ахборот тизими ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали, норезидентлар учун — ваколатли органнинг махсус ахборот тизими орқали топшириш, почта алоқаси орқали топшириш бундан мустасно;

талабнома топширилгандан кейинги барча ҳаракатларни ваколатли органнинг махсус ахборот тизими орқали амалга ошириш;

давлат хизматини кўрсатишда талабнома берувчи томонидан «Давлат божи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига белгиланган миқдорларда патент божини тўлаш тартиби;

ваколатли орган томонидан талабномани давлат экспертизасидан (бунда расмий экспертиза — ўн беш кун, талабномада кўрсатилган белгининг экспертизаси бир ой муддатда амалга оширилади) ўтказиш тартиби;

географик кўрсаткичларни ва (ёки) географик кўрсаткичлардан фойдаланиш ҳуқуқини Географик кўрсаткичлар давлат реестрида уч иш куни ичида рўйхатдан ўтказиш ва уч иш куни ичида махсус ахборот тизими орқали талабнома берувчига географик кўрсаткичлардан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи гувоҳномани юбориш.

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 14 июлда эълон қилинган.

3. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига 2-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

4. Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Р.К. Давлетов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 13 июль,
385-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил 13 июлдаги 385-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Географик кўрсаткичларни рўйхатдан ўтказиш бўйича
давлат хизматини кўрсатишнинг
МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Регламент «Географик кўрсаткичлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига (кейинги ўринларда — Қонун) мувофиқ географик кўрсаткичларни ва географик кўрсаткичлардан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказиш бўйича давлат хизматини (кейинги ўринларда — давлат хизмати) кўрсатиш тартибини белгилайди.

2. Давлат хизматини кўрсатиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (кейинги ўринларда — ваколатли орган) томонидан амалга оширилади.

3. Қонуннинг 7-моддасига мувофиқ географик кўрсаткич муайян географик объектда жойлашган ва ушбу объектнинг номидан ўзи ишлаб чиқараётган товарни белгилаш учун фойдаланаётган бир неча юридик ёки жисмоний шахснинг (алоҳида ҳолларда, агар бошқа шахслар мавжуд бўлмаса ёхуд улар талабномани беришда иштирок этиш истагини билдирмаса, битта шахснинг) талабномасига кўра рўйхатдан ўтказилиши мумкин.

4. Географик кўрсаткичларни ёки географик кўрсаткичлардан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказишга доир талабнома (кейинги ўринларда — талабнома) бериш ва давлат хизматидан фойдаланиш бўйича бошқа ҳаракатлар рўйхатдан ўтказишни сўраётган юридик ва жисмоний шахс (кейинги ўринларда — талабнома берувчи) томонидан бевосита ёки вакили (патент вакили ёки ишончли шахс) орқали амалга оширилади.

Бунда, географик кўрсаткични рўйхатдан ўтказиш учун талабнома бир

неча шахс томонидан уларнинг исталган бири ёки бошқа вакили орқали берилади.

5. Географик кўрсаткични рўйхатдан ўтказиш учун талабнома:

мазкур Регламентнинг 3-бандида кўрсатилган юридик ва (ёки) жисмоний шахсларнинг манфаатларини ифодалаш учун ваколатли нодавлат но-тижорат ташкилоти бўлган бирлашма томонидан;

тегишли географик объект жойлашган ҳудуддаги маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органи томонидан ҳам берилиши мумкин.

Бунда ушбу талабнома берувчилар ҳам талабномани бериш ва давлат хизматидан фойдаланиш бўйича бошқа ҳаракатларни бевосита ёки вакили орқали амалга оширади.

6. Давлат хизмати мазкур Регламентга 1-иловага* мувофиқ схема бўйича кўрсатилади.

2-боб. Талабномага доир талаблар

7. Қонуннинг 11-моддаси биринчи қисмига мувофиқ талабнома битта географик кўрсаткичга тааллуқли бўлиши керак.

8. Талабнома қуйидагиларни ўз ичига олади:

географик кўрсаткични ва (ёки) географик кўрсаткичдан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ариза (кейинги ўринларда — ариза);

талабномада кўрсатилган белги ёки, агар Географик кўрсаткичлар давлат реестрида (кейинги ўринларда — Реестр) рўйхатдан ўтказилган бўлса, географик кўрсаткич;

қайси товар тури учун географик кўрсаткични ёки географик кўрсаткичдан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказиш сўралаётган бўлса, ўша товар турининг номи;

географик объектнинг чегараларидаги товар ишлаб чиқариладиган жой; товарнинг хусусиятлари у ишлаб чиқарилаётган жойга боғлиқ эканлигига тааллуқли маълумотлар;

товарнинг географик жихатдан келиб чиқишига, мазкур географик объект учун хос бўлган табиий шароитларга ва (ёки) инсон омилларига сезиларли даражада боғлиқ бўлган товар хусусиятларининг тавсифи, шу жумладан товарни ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган бошланғич материалнинг тавсифи, товарнинг физик, кимёвий, микробиологик, органолеп-тик ёки бадиий хусусиятлари;

талабномада баён этилган қоидаларга ва товарнинг аниқ хусусиятла-рига риоя этилганлигини тасдиқловчи ваколатли инспекция органи ёки ла-бораториянинг номи ва жойлашган ери (почта манзили).

9. Географик кўрсаткич сифатида рўйхатга олинadиган белги таркиби-да товарнинг тури кўрсатилиши мумкин.

10. Қонуннинг 11-моддаси учинчи қисмига мувофиқ аризага қуйидаги-лар илова қилиниши керак:

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

агар талабнома берувчи Ўзбекистон Республикаси ҳудудида товарлар ишлаб чиқараётган шахс бўлса, талабнома берувчининг мазкур географик объектда жойлашганлигини ва хусусиятлари ушбу географик объект билан сезиларли даражада боғлиқ бўлган товар ишлаб чиқараётганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

агар талабнома берувчи Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида товарлар ишлаб чиқараётган шахс бўлса, географик объект жойлашган мамлакатда талабномада баён этилган географик кўрсаткичдан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат;

илгари рўйхатдан ўтказилган географик кўрсаткичдан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказишга доир талабномага талабнома берувчи Реестрда кўрсатилган хусусиятларга эга бўлган товар ишлаб чиқараётганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар.

11. Мазкур Регламентнинг 10-банди иккинчи хатбошисида назарда тутилган ҳужжатлар қуйидаги ташкилотлар томонидан берилади:

туман (шаҳар) давлат солиқ инспекциялари — талабнома берувчининг мазкур географик объектда жойлашганлиги (яшаётганлиги) ва тегишли товар ишлаб чиқараётганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

ваколатли инспекция органлари ёки лабораториялари — тегишли товарнинг хусусиятлари ва уларнинг ушбу географик объект билан сезиларли даражада боғлиқлигини тасдиқловчи ҳужжат.

12. Географик кўрсаткични ва (ёки) географик кўрсаткичдан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказиш учун ариза мазкур Регламентнинг 2-иловасига* мувофиқ шаклда топширилади.

13. Бошқа тилда топширилган ҳужжатлар уларнинг таржималари бошқа тилда топширилган ҳужжатлар келиб тушган санадан бошлаб ўн беш кун муддат ичида топширилганда ваколатли органга келиб тушган санадан бошлаб топширилган деб ҳисобланади, бошқа ҳолларда ҳужжатлар уларнинг таржималари келиб тушган санадан бошлаб топширилган деб ҳисобланади.

14. Аризанинг 210 ва 220-кодли «Талабноманинг қайд рақами» ва «Талабноманинг келиб тушган санаси» графалари ариза ваколатли органга келиб тушгандан кейин реквизитларни киритиш учун мўлжалланган.

Баъзи маълумотларни тегишли графаларда тўлиқ жойлаштириш имкони бўлмаганда, улар ўша шакл бўйича қўшимча варақда келтирилади ва талабноманинг тегишли графасида «давоми қўшимча варақда» деб кўрсатилади.

15. Аризанинг 731-кодли «Талабнома берувчи» графасида талабнома берувчи тўғрисидаги қуйидаги маълумотлар келтирилади:

юридик шахсларнинг расмий номлари (таъсис ҳужжатлари бўйича) ёки jisмоний шахсларнинг тўлиқ исмлари;

резидентлар учун — СТИР ёки ЖШШИР, жойлашган ери ёки яшаш манзиллари;

норезидентлар учун — Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

(кейинги ўринларда — БИМТ) ST.3 стандарти бўйича мамлакат коди (агар у ўрнатилган бўлса).

Талабнома берувчи битта шахс бўлганда ушбу графадаги тегишли каткачага «X» белгиси қўйилади.

«Фойдаланиш ҳуқуқини олувчилар» графасида географик кўрсаткичдан фойдаланиш ҳуқуқини олаётган шахслар ҳақида маълумотлар келтирилади.

16. Аризанинг 750-кодли «Ёзишмалар учун манзил» графасида хат олувчининг тўлиқ почта манзили, номи (юримдик шахс учун) ёки тўлиқ исми (жисмоний шахс учун), телефон рақами кўрсатилади.

Ёзишмалар учун манзил сифатида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган манзил кўрсатилади.

17. Талабнома берувчи томонидан иш олиб бориш унинг вакили орқали амалга оширилганда аризанинг 740-кодли «Вакил» графасида вакилнинг тўлиқ номи ёки исми, рўйхат рақами (патент вакили бўлса), жойлашган ери ёки яшаш манзили, телефон рақами тўғрисидаги маълумотлар келтирилади.

18. Аризанинг 540-кодли «Талабнома топшириладиган белги» графасида талабнома топширилган белги бош ҳарфлар билан ёзилган ҳолда келтирилади.

19. Аризанинг 511-кодли «Товар тури» графасида сифати, ном қозониши ёки бошқа хусусиятлари кўп жиҳатдан географик келиб чиқишига боғлиқ бўлган товарлар кўрсатилади.

20. Аризанинг 510-кодли «Товар хусусиятларининг тавсифи» графасида белги рўйхатдан ўтказиладиган товарнинг аниқ хусусиятлари келтирилади. Бунда, кўп жиҳатдан тегишли географик объект учун хос бўлган табиий шароитларга ва (ёки) инсон омилларига сезиларли даражада боғлиқ бўлган товар хусусиятларининг тавсифи, шу жумладан товарни ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган бошланғич материалнинг тавсифи, товарнинг физик, кимёвий, микробиологик, органолептик ёки бадиий хусусиятлари очиқ берилиши шарт. Тавсиф ваколатли инспекция органи ёки лабораториянинг ҳулосаси асосида баён этилади.

Товарнинг хусусиятлари умумқабул қилинган махсус атамаларга мувофиқ аниқ ва равшан таърифланиши керак.

21. Аризанинг «Товар ишлаб чиқариладиган жой» графасида товар ишлаб чиқариладиган жой географик объектнинг чегараларини кўрсатиш йўли билан тавсифланади. Географик объектнинг чегаралари координатлар, табиий объектлар (дарёлар, кўллар, тоғлар, чўллар ва б.), маъмурий чегаралар, кўп йиллик иншоотлар, коммуникациялар ва бошқалар ёрдамида тавсифланиши мумкин.

22. Аризанинг «Илова қилинган ҳужжатлар рўйхати» графаси тегишли каткачаларга «X» белгисини қўйиб чиқиш ва илова қилинадиган ҳужжатларнинг варақлари сонини кўрсатиш йўли билан тўлдирилади.

Аризанинг шаклида назарда тутилмаган илова қилинадиган ҳужжатлар «бошқа ҳужжатлар» каткачасида уларнинг талабномага алоқадорлиги асосланган ҳолда кўрсатилади.

23. Вакил орқали берилган талабномага талабнома берувчи томонидан

берилган ва вакилнинг ваколатларини тасдиқлайдиган ишончнома илова қилинади.

Ишончнома талабнома билан бир вақтнинг ўзида ёки талабнома берилган санадан ўн беш кундан кечиктирилмай тақдим этилади.

3-боб. Хужжатларни топшириш

24. Давлат хизматидан фойдаланишда:

резидентлар — ваколатли органнинг махсус ахборот тизими (кейинги ўринларда — ахборот тизими) ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда — ЯИДХП) орқали;

норезидентлар — ахборот тизими орқали ваколатли органга талабнома беради.

Талабнома ваколатли органга почта алоқаси орқали ҳам берилиши мумкин. Бунда талабнома ваколатли орган томонидан зудлик билан ахборот тизимига киритилади.

25. Талабнома берилгандан кейинги босқичлардаги барча ҳаракатлар ахборот тизими орқали амалга оширилади.

26. Ахборот тизими ва ЯИДХП ўртасида ахборот алмашинуви электрон ҳукуматнинг идоралараро маълумотларни узатиш тармоғи орқали реал вақт режимида амалга оширилади.

27. Ваколатли орган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги «Интеллектуал мулк маркази» давлат муассасасининг (кейинги ўринларда — Марказ) давлат экспертизасини ўтказиш мақсадида ахборот тизимидан доимий фойдаланишини таъминлайди.

Агар мазкур Регламентда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, давлат экспертизаси босқичидаги талабнома бўйича ёзишмалар Марказ билан олиб борилади.

28. Талабнома берувчи томонидан аризани тасдиқлашнинг рад этилиши, шунингдек давлат хизмати кўрсатиш учун патент божини тўламаслик давлат хизмати кўрсатишни рад этиш учун асос бўлиб ҳисобланади.

Давлат хизматини кўрсатишни бошқа асослар бўйича рад этиш тақиқланади.

29. Аризани ахборот тизими ёки ЯИДХП орқали топширишда ариза шакли тўлдирилганидан сўнг талабнома берувчи маълумотларнинг тўғрилигини текшириб, аризани тасдиқлайди.

Юридик шахс номидан ариза ташкилот раҳбари ёки бошқа вакил қилинган шахс томонидан тасдиқланади.

Аризани почта алоқаси орқали топширишда у имзолаш йўли билан тасдиқланади. Бунда тегишли маълумотлар қўшимча варақларда келтирилганда уларнинг ҳар бири имзоланади.

30. Давлат хизматини кўрсатишда «Давлат божи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунида назарда тутилган миқдорда патент божи тўланади ҳамда қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда тақсимланади.

Бунда патент божи норезидент томонидан тўланганда тўлов ҳужжати тақдим этилади.

31. Ваколатли орган талабномани қабул қилиб, рўйхатга олганидан сўнг талабнома берувчига талабноманинг рақами, келиб тушган санаси ва ахборот тизимида талабнома бўйича кейинги хизматлардан фойдаланиш учун кузатув коди кўрсатилган хабарномани тегишлича ахборот тизими ёки ЯИДХП орқали автоматик тарзда ёхуд почта алоқаси бўйича юборади. Кузатув коди махфийлигини таъминлаш масъулияти унинг ўзига юклатилади.

32. Қўйидаги мақсадларда ваколатли орган қабул қилинган талабнома тўғрисидаги, шу жумладан товарнинг хусусиятлари тўғрисидаги маълумотларни бир иш куни ичида ахборот тизимида барча фойдаланиши мумкин бўлган кўринишда жойлаштиради:

талабнома алоҳида ҳолларда бир шахс томонидан топширилганда тегишли географик объектда жойлашган ва ушбу объектнинг номидан ўзи ишлаб чиқараётган товарни белгилаш учун фойдаланаётган бошқа талабгорларнинг мавжуд эмаслигини ёки улар талабномани беришда иштирок этиш истагини билдирмаганлигини текшириш;

талабноманинг ноҳалол тарзда берилганлигини текшириш.

33. Талабнома ҳақидаги маълумотлар ахборот тизимида жойлаштирилгандан сўнг экспертиза қарори қабул қилингунга қадар манфаатдор шахслар ваколатли органга мазкур Регламентнинг 32-бандига асосан талабномалар бўйича ёзма эътирозларини тақдим этишлари мумкин. Ваколатли орган ёзма эътирозларни Марказга жўнатади.

Манфаатдор шахсга ёзма эътироз кўриб чиқиш учун қабул қилинганлиги тўғрисида ҳамда талабнома берувчига ушбу ёзма эътирозлар келиб тушганлиги тўғрисида Марказ томонидан беш иш куни ичида маълум қилинади.

Ёзма эътирозда келтирилган вазиятларга белгининг экспертизаси давомида тегишли баҳо берилади ва яқунлари бўйича эътироз берган шахсга экспертиза қарори қабул қилинган кундан эътиборан беш иш куни ичида жавоб берилади.

4-боб. Талабнома бўйича ишларни олиб бориш

34. Талабнома берилгандан кейин юбориладиган материалда талабнома рақами кўрсатилиши шарт. Талабнома рақами кўрсатилмаган материаллар кўриб чиқилмасдан қайтариб юборилади.

35. Талабнома берувчи талабнома давлат экспертизасидан ўтказилиши даврида талабнома юзасидан қарор қабул қилингунга қадар ўз ташаббуси билан талабнома материалларига қўйидаги ўзгартиришларни киритиши мумкин:

талабнома берувчининг номини (исмини) ёки унинг вакилини ўзгартириши;

талабнома берувчининг ёки унинг вакилининг манзилини, ёзишмалар олиб бориладиган манзилни ўзгартириши;
хатоларни тузатиши.

36. Талабнома берувчининг номи (исми) ва манзилига ўзгартиришлар киритиш талабнома берувчи томонидан мазкур Регламентнинг 3-иловасига* мувофиқ ариза топшириш йўли билан амалга оширилади.

37. Талабнома материалларига мазкур Регламентнинг 36-бандида назарда тутилган ўзгартиришлардан бошқа тузатиш, аниқлик ва тўлдиришлар киритиш талабнома берувчи томонидан мазкур Регламентнинг 4-иловасига* мувофиқ ариза топшириш йўли билан амалга оширилади.

38. Мазкур Регламентнинг 3 ва 4-иловаларига мувофиқ топширилган аризалар ваколатли органга келиб тушганлиги ва уни кўриб чиқиш натижалари тўғрисида талабнома берувчига хабар берилади.

39. Талабнома материалларига тузатиш, аниқлик ва тўлдиришлар киритиш учун патент божи тўланади. Патент божи тўланмаганда ёки тўланган патент божининг миқдори белгиланган миқдордан кам бўлганда материаллар кўриб чиқишга қабул қилинмайди ва бу ҳақида талабнома берувчига хабар берилади.

40. Талабнома берувчи томонидан тақдим этилган қўшимча материаллар мазкур Регламентнинг 65 ва 66-бандларига мувофиқ кўриб чиқилади.

41. Талабнома билан боғлиқ саволларни талабнома берувчи иштирокида кўриб чиқиш, қоида тариқасида, экспертиза томонидан талабнома топширилган белги, у билан белгиланиши мўлжалланган товар, товарнинг сифати, ном қозониши ёки бошқа хусусиятлари кўп жиҳатдан унинг географик келиб чиқишига боғлиқлиги бўйича қўшимча тушунтиришлар олиш зарурати пайдо бўлганда ва белгининг рўйхатдан ўтказиш шартларига мувофиқлиги тўғрисида экспертизанинг ва талабнома берувчининг позициясини аниқлаш учун ўтказилади.

Саволларни талабнома берувчи иштирокида кўриб чиқиш томонлар саволлар билан танишиб чиққандан сўнг Марказ таклифига ёки талабнома берувчининг илтимосига биноан ўтказилади. Экспертизанинг саволлари қўшимча равишда учрашувнинг мақсадга мувофиқлиги хабар қилинган экспертиза сўровномасида, талабнома берувчининг саволлари эса бундай кўриб чиқишни ўтказиш ҳақидаги илтимосномада баён этилади.

Экспертиза сўровномаси юборилганда, талабнома берувчи саволларни кўриб чиқишда қатнашиш ниятидан қатъи назар, сўровномага Қонунда белгиланган муддатда жавоб бериши керак.

42. Талабнома билан боғлиқ саволларни талабнома берувчи иштирокида кўриб чиқиш санаси ва вақти олдиндан келишиб олинади.

43. Талабнома берувчи иштирокида саволларни кўриб чиқиш музокаралар йўли билан ёки эксперт кенгашида амалга оширилади.

Саволлар бевосита эксперт ва талабнома берувчи томонидан ҳал қилиниши мумкин бўлганда улар ўртасида музокаралар олиб борилади. Музокаралар Марказнинг тегишли таркибий бўлинмаси раҳбари ёки Марказ раҳбари тайинлаган бошқа масъул ходим иштирокида ўтказилади.

Саволларни ҳал қилиш учун мутахассислар иштироки талаб қилинганда эксперт кенгаши ўтказилади.

* 3-4-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Музокаралар ёки эксперт кенгаши натижалари бўйича икки нусхада белгиланган шаклдаги баённома тузилади ва унда қатнашчилар, томонлар келтирган далил ва таклифлар ҳақидаги маълумотлар ҳамда кейинги иш юритиш ҳақида хулосалар келтирилади.

Саволларни кўриб чиқишда қатнашувчиларнинг барчаси баённомани имзолайди. Баённоманинг бир нусхаси талабнома материалларига қўшиб қўйилади, иккинчиси талабнома берувчига топширилади.

44. Муҳокама қилинаётган масалалар бўйича бир хулосага келинмаганда кўриб чиқишда қатнашувчиларнинг алоҳида фикрлари баённомада қайд этилади. Баённома нусхасининг талабнома берувчига топширилиши иш юритиш тўхтатилганлиги тўғрисидаги хабарноманинг (талабнома чақириб олинганда) ёки экспертиза сўровномасининг ўрнини босиши мумкин (жавоб беришнинг белгиланган муддати бузилмаганда) ва бу ҳолат баённомада тегишли ёзув билан расмийлаштирилади.

45. Талабнома берувчи талабномани чақириб олиш ҳуқуқига эга.

Талабномани чақириб олиш тўғрисидаги ариза талабномани кўриб чиқишнинг исталган босқичида, лекин географик кўрсаткични ва (ёки) географик кўрсаткичдан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказиш санасига қадар топширилиши мумкин. Талабнома берувчига талабномани чақириб олиш тўғрисидаги ариза инобатга олинганлиги ҳақида хабарнома юборилган санадан бошлаб талабнома чақириб олинган деб ҳисобланади.

46. Чақириб олинган талабнома бўйича ҳуқуқий аҳамиятга эга ҳаракатлар амалга оширилмайди. Бошқа талабномаларнинг экспертизасини ўтказишда чақириб олинган талабнома эътиборга олинмайди.

5-боб. Талабномани кўриб чиқиш

47. Талабномага ахборот тизимида автоматик равишда иккита ҳарфли ва саккиз хонали рўйхат рақами берилади, бунда ҳарфлар (GK) саноат мулки объекти — географик кўрсаткични, талабнома рақамидаги дастлабки тўртта сон — талабнома берилган йилни, кейинги тўртта сон — шу йилдаги ҳар йили бирдан бошланадиган тартиб рақамини билдиради.

48. Рўйхатга олинган талабнома материаллари қайтарилмайди.

49. Талабномани давлат экспертизасидан ўтказиш расмий экспертизадан ўтказиш ҳамда талабномада кўрсатилган белгини экспертизадан ўтказишдан иборат бўлиб, Марказ томонидан амалга оширилади.

50. Расмий экспертизанинг вазифаси талабнома материаллари таркиби, зарур ҳужжатлар мавжудлиги ва уларнинг белгиланган талабларга мувофиқлигини текширишдан иборат.

Расмий экспертиза натижалари бўйича талабнома берувчига Марказнинг талабномани кўриб чиқишга қабул қилинганлиги ёки қабул қилишни рад этиш ҳақидаги қарори юборилади.

51. Расмий экспертиза талабнома ахборот тизимида қабул қилинган санадан бошлаб ўн беш кун ичида ўтказилади.

52. Расмий экспертиза жараёнида зарур ҳужжатларнинг мавжудлиги-

ни, шунингдек уларнинг белгиланган талабларга мувофиқлигини текшириш қўйидаги ҳужжатлар ва маълумотларга нисбатан ўтказилади:

ариза;

талабнома берувчининг тўлиқ номи (исми) ва манзили кўрсатилганлиги;
вакилнинг тўлиқ номи ёки (исми) (вакил мавжуд бўлганда);

рўйхатдан ўтказиш сўралаётган белги;

рўйхатдан ўтказиш сўралаётган товар тури;

товар ишлаб чиқарилаётган жой географик объект чегарасида кўрсатилганлиги;

товар хусусиятларининг тавсифи;

патент божининг тўланганлиги;

ишончнома (вакил мавжуд бўлганда);

талабномада баён этилган қоидаларга ва товарнинг аниқ хусусиятларига риоя этилганлигини тасдиқловчи ваколатли инспекция органи ёки лабораториянинг номи ва жойлашган ери (почта манзили);

талабнома берувчи Ўзбекистон Республикаси ҳудудида товар ишлаб чиқараётган шахс бўлганда талабнома берувчининг қайд этилган географик объектда жойлашганлигини ва сифати, ном қозониши ёки бошқа хусусиятлари кўп жиҳатдан мазкур географик объект билан боғлиқ товар ишлаб чиқараётганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

талабнома берувчи Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида товар ишлаб чиқараётган шахс бўлганда географик объект жойлашган мамлакатда талабномада ифодаланган географик кўрсаткичдан фойдаланиш ҳуқуқига эга эканлигини тасдиқловчи ҳужжат;

бошқа тилда топширилган материалларнинг таржимаси.

53. Талабнома берилган сана у ваколатли органга келиб тушган сана бўйича белгиланади.

54. Расмий экспертиза ўтказиш жараёнида талабнома материаллари мазкур Регламентда белгиланган талабларга риоя қилинмаган ҳолда расмийлаштирилганлиги аниқланганда талабнома берувчига экспертиза сўровномаси юборилади ва сўровномада аниқланган камчиликлар кўрсатилади.

55. Талабнома материаллари белгиланган талабларга зид эмаслиги ҳақидаги хулосага келинганда талабнома берилган санани белгилаш ва талабномани кўриб чиқишга қабул қилиш тўғрисидаги расмий экспертизанинг қарори қабул қилинади ва талабнома берувчига юборилади.

56. Расмий экспертиза томонидан талабнома материалларининг Қонун ва мазкур Регламент қоидаларига зид эканлигининг аниқланиши талабномани кўриб чиқиш учун қабул қилишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилишга асос бўлади.

57. Талабномани кўриб чиқишга қабул қилиш ёки талабномани кўриб чиқишга қабул қилишни рад этиш тўғрисидаги қарорда тегишли қарорни қабул қилиш асослари келтирилади.

58. Талабномада ифодаланган белгининг экспертизаси кўриб чиқишга қабул қилинган талабнома бўйича расмий экспертиза тугагандан сўнг бир ой ичида амалга оширилади.

59. Қонуннинг 15-моддасига асосан талабномада ифодаланган белгининг экспертизаси чоғида талабномада ифодаланган белгининг Қонуннинг 4, 5, 7 ва 11-моддалари қоидаларига мувофиқлиги текширилади.

60. Талабномада ифодаланган белгининг географик кўрсаткичга нисбатан белгиланган талабларга мувофиқлигини аниқлашда қуйидагилар текширилади:

товар ишлаб чиқариладиган жой географик объект чегарасида жойлашганлиги;

товар хусусиятларининг у ишлаб чиқарилган жойга боғлиқ эканлиги; талабномада ифодаланган белгининг талабнома топширилган вақтга келиб товарнинг ҳақиқатдан ҳам ишлаб чиқарилган жойи ва хусусиятларини кўрсатувчи белгига айланганлиги;

талабномада ифодаланган белги географик кўрсаткич сифатида рўйхатдан ўтказилган бўлса, географик кўрсаткичдан фойдаланиш ҳуқуқи берилиши сўралаётган товарнинг тури ва хусусиятлари тавсифи Реестрдаги маълумотларга мувофиқлиги;

товар хусусиятларининг тавсифи ваколатли инспекция органи ёки лаборатория хулосасига мувофиқлиги.

61. Ваколатли инспекция органи ёки лаборатория хулосасининг мазмуни текширилаётганда қуйидагилар аниқланади:

талабномада назарда тутилган товар географик объектда ишлаб чиқарилаётганлиги;

товарнинг географик жиҳатдан келиб чиқишига, мазкур географик объект учун хос бўлган табиий шароитларга ва (ёки) инсон омилларига сезиларли даражада боғлиқ бўлган товар хусусиятларининг тавсифи, шу жумладан товарни ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган бошланғич материалнинг тавсифи, товарнинг физик, кимёвий, микробиологик, органолептик ёки бадиий хусусиятларининг мавжудлиги;

рўйхатдан ўтказилган географик кўрсаткичдан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказиш учун талабнома берилганда талабномада кўрсатилган товарнинг хусусиятлари тавсифи Реестрдаги маълумотларга мувофиқлиги.

62. Талабномада ифодаланган белгининг географик кўрсаткичлар сифатида рўйхатдан ўтказилмайдиган белгилар тоифасига кирмаслигини аниқлашда қуйидагилар текширилади:

талабномада ифодаланган белги товар қайси географик объект чегарасида дастлаб ишлаб чиқарилган ёки фуқаролик муомаласига киритилган ва ишлаб чиқарилиш жойи билан боғлиқ бўлмаган муайян турдаги товарнинг белгиси сифатида Ўзбекистон Республикасида умумий истеъмолга киритилган белги эмаслиги;

айни бир турдаги товарга нисбатан географик кўрсаткич ёки товар келиб чиққан жой номи сифатида рўйхатдан ўтказилган белги эмаслиги;

нисбатан илгарироқ устуворликка эга бўлган товар белгиси ёки хизмат кўрсатиш белгиси билан бир хил ёхуд унга айнан ўхшаш бўлган белги эмаслиги, агар бундай географик кўрсаткичдан фойдаланиш товар ёки уни тайёрловчи хусусида истеъмолчини чалғитса;

талабномада ифодаланган белги ўсимлик навининг ёки ҳайвон зотининг номини ифодаловчи белги эмаслиги, агар бундай географик кўрсаткичдан фойдаланиш товар хусусида истеъмолчини чалғитса;

товар ёки уни тайёрловчи хусусида истеъмолчини чалғитадиган белги эмаслиги.

63. Экспертиза давомида талабнома берувчига белгининг белгиланган талабларга мувофиқлигини текшириш натижалари бўйича экспертиза сўровномаси юборилиши мумкин.

64. Сўровнома юбориш учун қўйидаги ҳолатлар асос бўлиши мумкин: талабнома топширилган белгини аниқлаш зарурати;

мазкур Регламентнинг 8 ва 10-бандларида назарда тутилган ҳужжатларни тақдим этиш зарурати;

товар турини аниқлаш зарурати;

товар ишлаб чиқарилаётган жойни аниқлаш зарурати;

товарнинг хусусиятлари тавсифини аниқлаш зарурати;

талабномада баён этилган қоидаларга ва товарнинг аниқ хусусиятларига риоя этилганлигини тасдиқловчи ваколатли инспекция органи ёки лаборатория хулосасига аниқлик киритиш зарурати.

65. Талабнома берувчи томонидан экспертизанинг сўровномаси бўйича ёки ўз ташаббусига кўра қўшимча материаллар тақдим этилганда улар кўриб чиқишга қабул қилинади ва талабнома моҳиятини ўзгартирмаслиги текширилади.

Қўшимча материаллар талабнома моҳиятини ўзгартиради деб эътироф этилади, агар уларда:

ваколатли инспекция органи ёки лаборатория хулосасида назарда тутилган хусусиятлардан фарқ қиладиган хусусиятлар кўрсатилган бўлса;

географик кўрсаткич учун мўлжалланмаган товар кўрсатилган бўлса;

талабнома топширилган белги ўзгартирилган ёки тўлдирилган бўлса.

66. Қўшимча материаллар талабнома моҳиятини ўзгартиради деб эътироф этилганда талабнома берувчига экспертизанинг шундай хулоса чиқариши учун қўшимча материалларга киритилган қайси малумотлар асос бўлганлиги хабар қилинади.

67. Қонуннинг 9-моддасига мувофиқ талабнома берувчи товар келиб чиққан жой номи учун талабномани экспертиза қарори қабул қилингунга қадар географик кўрсаткичга доир талабномага ўзгартириши мумкин.

Товар келиб чиққан жой номи учун талабнома географик кўрсаткичга доир талабномага ўзгартириш учун талабнома берувчи ваколатли органга илтимоснома билан мурожаат қилади. Бунда талабномани товар келиб чиққан жой номи учун талабнома сифатида кўриб чиқиш тўхтатилади ва бу ҳақида талабнома берувчига хабар берилади.

Товар келиб чиққан жой номи учун талабнома географик кўрсаткичга доир талабномага ўзгартирилганда кейинги иш юритиш мазкур Регламентда белгиланган тартибга мувофиқ амалга оширилади.

68. Талабнома материаллари белгиланган талабларга зид эмаслиги ҳақидаги хулосага келинганда географик кўрсаткични ва (ёки) географик

кўрсаткичдан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги экспертизанинг қарори қабул қилинади ва талабнома берувчига юборилади.

69. Экспертиза томонидан талабнома материаллари Қонун ва мазкур Регламент талабларига зид эканлигининг аниқланиши географик кўрсаткични ва (ёки) географик кўрсаткичдан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказишни рад этиш тўғрисидаги қарор қабул қилишга асос бўлади.

70. Географик кўрсаткични ва (ёки) географик кўрсаткичдан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказиш ёхуд уни рўйхатдан ўтказишни рад этиш тўғрисидаги қарорда тегишли қарорни қабул қилиш асослари келтирилади.

71. Белгиланган патент божи тўланганда ваколатли орган географик кўрсаткични ва (ёки) географик кўрсаткичдан фойдаланиш ҳуқуқини мазкур Регламентнинг 5-иловасига* мувофиқ шаклдаги Географик кўрсаткичлар давлат Реестрида уч иш кун ичида рўйхатдан ўтказилади. Рўйхатдан ўтказилган санадан эътиборан уч иш кун ичида ахборот тизими орқали талабнома берувчига географик кўрсаткичдан фойдаланиш ҳуқуқи рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва унинг иловаси юборилади, мазкур Регламентнинг 72-бандида назарда тутилган ҳолат бундан мустасно.

Географик кўрсаткич ва (ёки) географик кўрсаткичдан фойдаланиш ҳуқуқи рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги маълумотлар ваколатли орган томонидан ўзининг расмий веб-сайтида ҳам жойлаштириладиган расмий ахборотномасида эълон қилинади.

Талабнома берувчининг хоҳишига кўра гувоҳнома ва унинг иловаси почта алоқаси орқали кўрсатилган манзилга юборилиши мумкин.

72. Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органининг талабномасига кўра географик кўрсаткич рўйхатдан ўтказилганда унга рўйхатдан ўтказилганлик тўғрисида хабарнома ва Реестрдан кўчирма юборилади.

6-боб. Яқунловчи қоидалар

73. Қонуннинг 13-моддасига мувофиқ экспертиза сўровномасига талабнома берувчи томонидан жавоб уч ой ичида тақдим этилади. Ушбу муддат ичида сўралган материалларни тақдим этиш имконияти бўлмаганда талабнома берувчининг илтимосномасига кўра жавоб бериш олти ойдан ошмаган муддатга узайтирилиши мумкин.

Муддатни узайтириш тўғрисидаги илтимоснома тақдим этилганда белгиланган миқдорда патент божи тўланади. Мазкур бандда назарда тутилган шартларга риоя этилганда муддат узайтирилади ва бу ҳақида хабарнома юборилади.

74. Талабнома берувчига давлат экспертизаси сўровномаси юборилганда тегишли экспертиза муддати тўхтатиб турилади.

75. Давлат экспертизаси сўровномасига белгиланган муддатда жавоб келиб тушмаганда ёки тўлиқ жавоб берилмаганда ёхуд жавобни топшириш муддатини узайтириш ҳақида илтимоснома тақдим этилмаганда талабнома

* 5-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

чақириб олинган деб ҳисобланиб, талабнома бўйича иш юритиш тўхтатилади ва бу ҳақида талабнома берувчига хабарнома юборилади.

76. Давлат экспертизасининг сўровномасига жавоб хатини тақдим этишнинг ўтказиб юборилган муддатлари талабнома берувчининг илтимосномасига кўра тикланиши мумкин. Илтимоснома узрли сабаблар келтирилган ҳолда талабнома чақириб олинган санадан бошлаб икки ой ичида топширилади. Узрли сабабларнинг мавжудлиги тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланади.

Илтимоснома билан биргаликда экспертиза сўровномасига тўлиқ жавоб хати ёки мазкур материалларни юбориш муддатларини узайтириш ҳақидаги илтимоснома тақдим этилади ва белгиланган миқдорда патент божи тўланади.

Мазкур банднинг шартларига риоя этилганда талабнома иш жараёнига тикланади ва бу ҳақида уч иш кўни ичида хабарнома юборилади.

77. Талабнома берувчи талабномага алоқадор иш юритиш билан ахборот тизими орқали танишиши мумкин.

78. Сўровнома, хабарнома, давлат экспертизаси қарорлари ва географик кўрсаткичдан фойдаланиш ҳуқуқи рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома QR-код (матрик штрихли кодли) қўйиш орқали тасдиқланиб юборилади.

79. Мазкур Регламентнинг 8-банди саккизинчи хатбошиси, 11-банди учинчи хатбошиси, 20-банди биринчи хатбошиси, 52-банди ўн биринчи хатбошиси, 60-банди олтинчи хатбошиси, 61-банди, 64-банди еттинчи хатбошиси ва 65-банди учинчи хатбошисининг ваколатли инспекция органи ва лабораторияга доир қоидалари қишлоқ хўжалиги ва алкоголь маҳсулотлари, минерал сувлар ҳамда юридик шахслар томонидан ишлаб чиқариладиган озиқ-овқат маҳсулотларига нисбатан татбиқ этилади.

80. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги ўз ваколатлари доирасида рўйхатдан ўтказиладиган географик кўрсаткич билан белгиланиши мўлжалланган қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат ва алкоголь маҳсулотлари ҳамда минерал сувларнинг хусусиятларини аниқлашда манфаатдор тадбиркорлик субъектларига ваколатли инспекция органлари ва лабораториялар фаолиятини йўлга қўйишда, шу жумладан фаолият юритиб келаётган аккредитация қилинган сертификатлаштириш органлари ва синов лабораториялари (марказлари) негизида доимий амалий ёрдам кўрсатади.

81. Мазкур Регламент талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавоб беради.

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил 13 июлдаги 385-сон қарорига
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига критилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 21 ноябрдаги 408-сон қарори билан тасдиқланган Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига келишлари ва Ўзбекистон Республикасидан кетишлари тартибида:

а) 6³-бандда:

биринчи хатбошидаги «Адлия вазирлиги хузуридаги Давлат хизматлари агентлигига» сўзлари «Адлия вазирлигига» сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидан «хузуридаги Давлат хизматлари агентлиги» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 13¹-банднинг бешинчи хатбошидаги «Адлия вазирлиги хузуридаги Давлат хизматлари агентлиги ёки унинг ҳудудий бошқармалари» сўзлари «Адлия вазирлиги ёки Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1997 й., 10-сон, 33-модда) билан тасдиқланган Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги низомнинг 13-банди иккинчи хатбошидаги «20 кунгача» сўзлари «15 кунгача» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Патент вакиллари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2003 йил 1 июлдаги 298-сон қарорининг муқаддимасидаги «ҳамда «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги» сўзлари «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида» ҳамда «Географик кўрсаткичлар тўғрисида»ги» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 20 февралдаги 27-сон қарори билан тасдиқланган Давлат ахборот ресурслари ҳамда уларни шакллантириш, улардан фойдаланиш ва уларни қўллаб-қувватлаш учун масъул бўлган давлат органлари рўйхатида:

а) «Давлат ахборот ресурслари номи» устуни қўйидаги мазмундаги 3⁷ — 3¹⁹-позициялар билан тўлдирилсин:

3⁷. Ихтиролар давлат реестри

3⁸. Фойдали моделлар давлат реестри

3⁹. Саноат намуналари давлат реестри

3¹⁰. Ўсимликлар навлари давлат реестри

3¹¹. Ҳайвонларнинг зотлари давлат реестри

- 3¹². Товар белгилари ва хизмат кўрсатиш белгилари давлат реестри
- 3¹³. Товарларнинг келиб чиқиш жойлари номлари давлат реестри
- 3¹⁴. Дастурий маҳсулотлар давлат реестри
- 3¹⁵. Маълумотлар базаси давлат реестри
- 3¹⁶. Интеграл микросхемалар топологиялари давлат реестри
- 3¹⁷. Патент вакиллари давлат реестри
- 3¹⁸. Рўйхатдан ўтказилган лицензия шартномалари ва ҳуқуқларни бериш тўғрисида шартномалар маълумотлар банки
- 3¹⁹. Географик кўрсаткичлар давлат реестри

б) 5 — 16-позициялари чиқариб ташлансин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Мадрид Битимига доир Баённомага (Мадрид, 1989 йил 27 июнь) мувофиқ белгиларни халқаро рўйхатдан ўтказишда ундириладиган яқка тартибдаги божларнинг ставкаларини белгилаш тўғрисида» 2006 йил 21 декабрдаги 263-сон қарорининг 2-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«2. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Интеллектуал мулкни ривожлантириш жамғармасига тушадиган яқка тартибдаги бож маблағлари қуйидаги тартибда тақсимланади:

78 фоизи — Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобварағига;

2 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг тегишли ҳисобварағига ўтказилади;

20 фоизи — Адлия вазирлигининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашда ҳамда саноат объектларини ва интеллектуал мулкнинг бошқа турларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш соҳасида халқаро ташкилотларда қатнашганлик учун аъзолик бадалларини тўлашда улардан фойдаланиш учун (камида 50 фоизи), шунингдек ходимларни моддий рағбатлантириш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Интеллектуал мулкни ривожлантириш жамғармасида қолдирилади».

6. Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 2 апрелдаги 62-сон қарор билан (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 й., 4-сон, 14-модда) тасдиқланган Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига йўналтирилаётган давлат божлари, йиғимлар ва солиқ бўлмаган тўловлардан, маъмурий ва молиявий жазолардан ажратмалар миқдорларининг 17-позициясида:

«Вазирликлар ва идораларнинг номи» устунидаги «Интеллектуал мулк агентлиги» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Интеллектуал мулкни ривожлантириш жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Ажратмалар миқдори (фоизларда)» устунидаги «8» рақами «20» рақами билан алмаштирилсин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари фаолиятини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2011 йил 30 декабрдаги 346-сон қарориди:

а) 3-банддаги «Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармаси» сўзлари «Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-иловада:

2-банднинг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларининг ФХДЁ архивлари (кейинги ўринларда — ФХДЁ архивлари)»;

4-банднинг биринчи хатбошисидаги «Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги (кейинги ўринларда Агентлик деб аталади)» сўзлари «Адлия вазирлиги (кейинги ўринларда — Вазирлик)» сўзлари билан алмаштирилсин;

11-банддаги «Агентлик ҳудудий бошқармалари томонидан Агентликка» сўзлари «Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари томонидан Вазирликка» сўзлари билан алмаштирилсин;

14 ва 15-бандлардаги «Агентлик» сўзи «Вазирлик» сўзи билан алмаштирилсин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг «Гербли гувоҳномалар берганлик учун герб йиғими миқдорини тасдиқлаш тўғрисида» 2012 йил 25 апрелдаги 119-сон қароридан (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2012 й., 4-сон, 29-модда):

а) 2-банднинг учинчи хатбошисидаги «Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлигининг» сўзлари «Адлия вазирлигининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 3-банднинг биринчи хатбошисидан «ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги» сўзлари чиқариб ташлансин;

в) 6-банднинг учинчи хатбошисидаги «Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармасига» сўзлари «Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасига» сўзлари билан алмаштирилсин.

9. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 августдаги 630-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси сайловчиларининг Ягона электрон рўйхатини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 9-банди «б» кичик бандидан «ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги» сўзлари чиқариб ташлансин.

10. Вазирлар Маҳкамасининг «Болаларни давлат мактабгача таълим ташкилотларига қабул қилиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида» 2018 йил 28 мартдаги 244-сон қароридан (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2018 й., 3-сон, 69-модда):

а) 5-банднинг биринчи хатбошиси ва 8-банддан «ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 1-илованинг 27-бандидаги «Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги, унинг ҳудудий бошқармалари» сўзлари «Адлия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари» сўзлари билан алмаштирилсин.

11. Вазирлар Маҳкамасининг «Табиатдан фойдаланиш соҳасида давлат хизматлари кўрсатишнинг айрим маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида» 2018 йил 31 мартдаги 255-сон қарорида:

а) 7-банднинг биринчи хатбошиси ва 10-банддан «хузуридаги Давлат хизматлари агентлиги» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 3-иловада:

11-банднинг «а» кичик банди иккинчи хатбошиси ва «б» кичик банди иккинчи хатбошисидаги «Адлия вазирлиги хузуридаги Давлат хизматлари агентлиги бюджетдан ташқари жамғармасининг шахсий ҳисоб рақамига» сўзлари «Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасига» сўзлари билан алмаштирилсин;

23-банддаги «Адлия вазирлиги хузуридаги Давлат хизматлари агентлиги, унинг худудий бошқармалари» сўзлари «Адлия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари» сўзлари билан алмаштирилсин.

12. Вазирлар Маҳкамасининг «Муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида» 2018 йил 31 мартдаги 256-сон қарорининг 7 ва 10-бандларидан «хузуридаги Давлат хизматлари агентлиги» сўзлари чиқариб ташлансин.

13. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат хизматлари марказлари ёки он-лайн тарзда (масофадан туриб) расмий ахборот ресурслари орқали электрон рақамли имзо калитини рўйхатга олиш ва электрон рақамли имзо калитининг сертификатини бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш ҳақида» 2018 йил 10 майдаги 348-сон қарорида:

а) 2-банддан «хузуридаги Давлат хизматлари агентлиги» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) иловада:

6-банднинг «а» кичик банди иккинчи хатбошиси ва «б» кичик банди иккинчи хатбошисидаги «Адлия вазирлиги хузуридаги Давлат хизматлари агентлиги бюджетдан ташқари жамғармасининг шахсий ҳисоб рақамига» сўзлари «Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасига» сўзлари билан алмаштирилсин;

29 ва 30-бандлардаги «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Давлат хизматлари агентлигининг худудий бошқармалари» сўзлари «Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари» сўзлари билан алмаштирилсин.

14. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 21 майдаги 379-сон қарори билан тасдиқланган Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Мажбурий ижро бюроси маълумотлар базаси орқали фақат қарздорлик текширилгандан кейин содир этиладиган йирик битимлар ва кўрсатиладиган хизматлар рўйхати 7 — 9, 16 ва 17 — 20-позицияларининг «Битимларни амалга оширувчи ёки хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар» устунидан «хузуридаги Давлат хизматлари агентлиги» сўзлари чиқариб ташлансин.

15. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ҳуқуқий сиёсат тадқиқот институти фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 11 июндаги 442-сон қарорида:

а) 2-банднинг иккинчи хатбошисидаги «адлия органлари фаолиятини такомиллаштиришга» сўзлари «суд-ҳуқуқ соҳасини такомиллаштириш, давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш, ижтимоий-иқтисодий соҳадаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишни ўрганишга» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 4-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Давлат ташкилотларидаги илмий, илмий-педагогик ва меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи илмий даражага эга ходимларга қўшимча ҳақ тўлашга доир рағбатлантириш шартлари Институт ходимларига нисбатан ҳам татбиқ этилади».

16. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 октябрдаги 845-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини доимий яшаш жойи ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш тартиби тўғрисида низомнинг 5-банди «а» кичик банди иккинчи хатбошиси ва «в» кичик банди учинчи хатбошисидаги «Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармасига» сўзлари «Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасига» сўзлари билан алмаштирилсин.

17. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 августдаги 681-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, ҳарбий қисм қўмондонлигининг тавсияномаларига эга бўлган фуқароларни олий таълим муассасаларига қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 8-бандидан «ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги» сўзлари чиқариб ташлансин.

18. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 27 сентябрдаги 816-сон қарори билан тасдиқланган Кекса авлод вакилларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, жамиятдаги ўрнини янада ошириш ҳамда «Кексалар ҳафталиги»ни юқори савияда ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар дастурининг 10-позиция «Чора-тадбирлар» устунидagi «Давлат хизматлари агентлиги ва унинг ҳудудий марказлари» сўзлари «давлат хизматлари марказлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

19. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 4 октябрдаги 846-сон қарори билан тасдиқланган Моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари миллий рўйхатининг «Тошкент шаҳар» бўлими 74-позицияси «Объект тўлиқ номи» ва «Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқ» устунларидаги «Давлат хизматлари агентлиги» сўзлари «Мактабгача таълим вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

20. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 октябрдаги 856-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Апелляция кенгаши тўғрисидаги низомда:

а) 2-банд «хизмат кўрсатиш белгилари» сўзларидан кейин «географик кўрсаткичлар» сўзлари билан тўлдирилсин;

б) 5-бандда:

«а» кичик банднинг бешинчи хатбошиси «хизмат кўрсатиш белгилари» сўзларидан кейин «географик кўрсаткичлар» сўзлари билан тўлдирилсин;

«б» кичик банднинг олтинчи хатбошиси «хизмат кўрсатиш белгиси» сўзларидан кейин «географик кўрсаткичдан ва» сўзлари билан тўлдирилсин;

«в» кичик банднинг учинчи хатбошиси «хизмат кўрсатиш белгилари-га» сўзларидан кейин «географик кўрсаткичлардан ва» сўзлари билан тўлдирилсин;

«г» кичик банддаги «товар келиб чиққан жой номи» сўзлари «географик кўрсаткич ва товар келиб чиққан жой номи» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 25-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Географик кўрсаткични ва товар келиб чиққан жой номини рўйхатдан ўтказишни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, Апелляция кенгаши айтилган пайтда ушбу рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ бўлган географик кўрсаткичдан ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқига берилган гувоҳномаларнинг амал қилишини муддатидан олдин тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилади».

21. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 28 декабрдаги 1049-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий яшаш ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш тартиби тўғрисидаги низомнинг «а» кичик банди иккинчи хатбошиси ва «б» кичик банди иккинчи хатбошисидаги «Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармасига» сўзлари «Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасига» сўзлари билан алмаштирилсин.

22. Вазирлар Маҳкамасининг «Уй-жой сотиб олиш ёки яқка тартибдаги уй-жойларни қуриш ва реконструкция қилиш учун фуқароларга субсидия тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2020 йил 25 мартдаги 182-сон қарорининг 3-банди иккинчи хатбошисидаги «агентлиги ҳудудий бўлинмалари» сўзлари «марказлари» сўзи билан алмаштирилсин.

23. Вазирлар Маҳкамасининг «Товар ва молия бозорларида монополияга қарши тартибга солиш соҳасидаги давлат хизматларини кўрсатишнинг айрим маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида» 2020 йил 28 майдаги 338-сон қарорининг 5-банди биринчи хатбошиси ва 6-бандидан «ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги» сўзлари чиқариб ташлансин.

24. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги юридик техникумлари фаолиятини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2020 йил 30 октябрдаги 677-сон қарориди:

а) 4-банднинг «г» кичик бандидан «Қорақалпоғистон Республикаси адлия вазири ўринбосари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари бошлиқлари ўринбосарлари —» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 2-иловада:

8-банддаги «Давлат хизматлари агентлиги» сўзлари «Адлия вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

19-банддаги «Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги, унинг ҳудудий бошқармалари» сўзлари «Адлия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари» сўзлари билан алмаштирилсин.

25. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 10 ноябрдаги 704-сон қарори билан тасдиқланган Туғилганликни қайд этиш билан боғлиқ комплекс давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламенти 13-бандидаги «Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги, унинг ҳудудий бошқармалари» сўзлари «Адлия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари» сўзлари билан алмаштирилсин.

26. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 10 ноябрдаги 706-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш юзасидан хориждан келиб тушган архив ҳужжатлари бўйича сўровлар ижросини таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 8-банди иккинчи хатбошисидаги «Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлигига» сўзлари «Адлия вазирлигига» сўзлари билан алмаштирилсин.

27. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 17 декабрдаги 794-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан маълумотлар алмашишни йўлга қўядиган ташкилотлар рўйхатининг 3-позиция «Маълумотни тақдим қилувчи идоралар» устунисидаги «Давлат хизматлари агентлиги» сўзлари «Адлия вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

28. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 14 январдаги 16-сон қарори билан тасдиқланган Тиббиёт ташкилотларини аккредитациядан ўтказиш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламентининг 64-банди «а» кичик банди иккинчи хатбошиси ва «б» кичик банди иккинчи хатбошисидаги «Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги бюджетдан ташқари жамғармасининг шахсий ҳисобрақамига» сўзлари «Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасига» сўзлари билан алмаштирилсин.

29. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 8 февралдаги 60-сон қарори билан тасдиқланган Одам савдосидан жабрланган ёки одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни идентификация қилиш ва қайта йўналтириш тартиби тўғрисида низомнинг 49-банди иккинчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги ваколатига қирувчи масалаларда» сўзлари «ўз ваколатига қирувчи бошқа масалаларда» сўзлари билан алмаштирилсин.

30. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 13 апрелдаги 209-сон қарори билан тасдиқланган Халқаро имтиҳон тизимлари бўйича юқори балл (даража) олган ёшларга имтиҳон топшириш харажатларини тўлиқ қоплаб беришнинг маъмурий регламентининг 23-бандидаги «Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги, туман (шаҳар)» сўзлари «Адлия ва-

зирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари ва» сўзлари билан алмаштирилсин.

31. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 апрелдаги 258-сон қарори билан тасдиқланган Давлат бошқаруви ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида хизмат автотранспорт воситаларини бириктириш меъёрларининг изоҳ қисмидаги «Агросаноат мажмуаси устидан назорат қилиш инспекцияси, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлигининг» сўзлари «Агросаноат мажмуаси устидан назорат қилиш инспекциясининг» сўзлари билан алмаштирилсин.

32. Вазирлар Маҳкамасининг «Туси ўзгартирилган (қорайтирилган) ойнали автотранспорт воситаларидан фойдаланиш тартибини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2021 йил 28 июлдаги 465-сон қарорида 6-бандидан ва 1-илованинг 25-бандидан «ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги» сўзлари чиқариб ташлансин.

33. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 августдаги 485-сон қарори билан тасдиқланган Умумий овқатланиш ташкилотлари мавсумий кафеларининг ишлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 17-бандидан «ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги» сўзлари чиқариб ташлансин.

34. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 21 сентябрдаги 592-сон қарори билан тасдиқланган Йирик инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун энг яхши таклифни танлаб олишнинг маъмурий регламенти 14-банди «а» кичик банди иккинчи хатбошиси ва «б» кичик банди иккинчи хатбошисидаги «Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги бюджетдан ташқари жамғармасининг шахсий ҳисобварағига» сўзлари «Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасига» сўзлари билан алмаштирилсин.

35. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 ноябрдаги 704-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х. Сулаймонова номидаги Республика суд-экспертиза марказининг Суд-экспертлик илмий-тадқиқот институти тўғрисидаги низомнинг 20-банди тўққизинчи хатбошисидан «фаолиятини мувофиқлаштириш» сўзлари чиқариб ташлансин.

36. Вазирлар Маҳкамасининг «Халқаро йўлларда ташиш дафтарчасини қўллаган ҳолда юкларни халқаро ташиш соҳасидаги айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида» 2021 йил 2 декабрдаги 727-сон қарорининг 6-банди биринчи хатбошисидан «ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги» сўзлари чиқариб ташлансин.

37. Вазирлар Маҳкамасининг «Фуқароларнинг хорижга чиқиш биометрик паспортини олиш учун Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали ариза юбориш бўйича давлат хизмати кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида» 2022 йил 5 январдаги 5-сон қарорида:

а) 6-банднинг биринчи хатбошисидан «ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) иловада:

15-банднинг тўртинчи хатбошисидан «Адлия вазирлиги ҳузуридаги

Давлат хизматлари агентлигининг бюджетдан ташқари ҳисобварағига» сўзлари «Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасига» сўзлари билан алмаштирилсин;

17-банддаги «Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги, унинг ҳудудий бошқармалари» сўзлари «Адлия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари» сўзлари билан алмаштирилсин.

38. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 12 январдаги 18-сон қарори билан тасдиқланган «E-auction» электрон савдо платформасига интеграция қилинадиган вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар рўйхатининг 2-бандидан «ва унинг ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги» сўзлари чиқариб ташлансин.

39. Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» 2022 йил 14 февралдаги 71-сон қарорида:

а) 10-банддан «ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 1-иловада:

10-банднинг «а» кичик банди иккинчи хатбошиси ва «б» кичик банднинг иккинчи хатбошисидаги «Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармасининг шахсий ҳисобварағига» сўзлари «Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасига» сўзлари билан алмаштирилсин;

25-банддаги «Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги, унинг ҳудудий бошқармаси» сўзлари «Адлия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 2-илованинг 43-бандидаги «Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги ёки унинг ҳудудий бошқармаларига» сўзлари «қонунчиликка мувофиқ тегишли чора кўради» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 4-илованинг 10-банди ва 5-илованинг 12-бандидаги «Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги, унинг ҳудудий бошқармалари» сўзлари «Адлия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари» сўзлари билан алмаштирилсин.

40. Вазирлар Маҳкамасининг «Чет тилини билиш даражасини аниқлаш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида» 2022 йил 16 февралдаги 73-сон қарорининг 5-банди биринчи хатбошисидан «ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги» сўзлари чиқариб ташлансин.

41. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 февралдаги 80-сон қарори билан тасдиқланган Махсус электрон тизим орқали айрим фаолият турларини лицензиялаш тартиби тўғрисида ягона низомда:

а) 14-банднинг тўртинчи хатбошиси ва 29-банднинг бешинчи хатбоши-

сидаги «Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармасининг шахсий ҳисобварағига» сўзлари «Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасига» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 81-банддаги «Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги ва унинг ҳудудий бошқармалари» сўзлари «Адлия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари» сўзлари билан алмаштирилсин.

42. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 22 февралдаги 86-сон қарори билан тасдиқланган Махсус электрон тизим орқали рухсат этиш хусусиятига эга айрим ҳужжатларни бериш тартиб-таомиллари тўғрисида ягона низомда:

а) 14-банди тўртинчи хатбошисидаги ва 29-банднинг бешинчи хатбошисидаги «Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги бюджетдан ташқари жамғармасининг шахсий ҳисобварағига» сўзлари «Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасига» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 80-банддаги «Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги ва унинг ҳудудий бошқармалари» сўзлари «Адлия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари» сўзлари билан алмаштирилсин.

43. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 25 февралдаги 88-сон қарори билан тасдиқланган Фаолиятни бошлаш ёки тугатиш учун ваколатли органи хабардор қилиш тартиби тўғрисида ягона низомда:

а) 14-банднинг иккинчи хатбошисидаги «Адлия вазирлиги ҳузуридаги «Давлат хизматлари агентлиги бюджетдан ташқари жамғармасининг шахсий ҳисобварағига» сўзлари «Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасига» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 67-банддаги «Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги ва унинг ҳудудий бошқармалари» сўзлари «Адлия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари» сўзлари билан алмаштирилсин.

44. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 25 февралдаги 89-сон қарори билан тасдиқланган Ўлимни қайд қилиш билан боғлиқ композит давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламентининг 12-бандидаги «Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги ва унинг ҳудудий бошқармалари» сўзлари «Адлия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари» сўзлари билан алмаштирилсин.

45. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 2 апрелдаги 150-сон қарори билан тасдиқланган Ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширувчи Ўзбекистон Республикаси резидентлари — юридик ва жисмоний шахсларнинг доимий жойлашуви (резидентлик) фактини расмий тасдиқлаб бериш бўйича давлат хизматини кўрсатиш маъмурий регламентининг 17-бандидаги «Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги, унинг ҳудудий

бошқармалари» сўзлари «Адлия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари» сўзлари билан алмаштирилсин.

46. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 19 апрелдаги 197-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида синов тариқасида қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш ишларига тайёргарлик кўриш ва уларни амалга ошириш бўйича «йўл харита»сининг 5-позицияси «Масъул ижрочилар» устунидаги «Давлат хизматлари агентлиги» сўзлари «Адлия вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
САНОАТ ХАВФСИЗЛИГИ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ****250 Саноат хавфсизлиги соҳасидаги эксперт ташкилотларини аккредитация қилиш ва улар фаолияти устидан инспекция назоратини ўтказиш қоидаларининг 1а-иловасига ўзгартириш киритиш тўғрисида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
13 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2022-4*

Ўзбекистон Республикасининг «Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2009 йил 24 августдаги 167-сон буйруғи (рўйхат рақами 2022, 2009 йил 20 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 43-сон, 463-модда) билан тасдиқланган Саноат хавфсизлиги соҳасидаги эксперт ташкилотларини аккредитация қилиш ва улар фаолияти устидан инспекция назоратини ўтказиш қоидаларининг 1а-иловаси 2.5.7-позициясидаги «Ногиронларни» деган сўз «Ногиронлиги бўлган шахсларни» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис**Б. ГУЛЯМОВ**

Тошкент ш.,
2022 йил 30 июнь,
09/ЮБ-25-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 13 июлда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
САНОАТ ХАВҒСИЗЛИГИ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

251 Саноат хавфсизлиги соҳасидаги экспертларни тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 1-иловасига ўзгартириш киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 13 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2045-4

Ўзбекистон Республикасининг «Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2009 йил 29 сентябрдаги 184-сон буйруғи (рўйхат рақами 2045, 2009 йил 19 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 47-сон, 513-модда) билан тасдиқланган Саноат хавфсизлиги соҳасидаги экспертларни тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 1-иловаси 2.5.7-позициясидаги «Ногиронларни» деган сўз «Ногиронлиги бўлган шахсларни» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

Б. ГУЛЯМОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 30 июнь,
09/ЮБ-26-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 13 июлда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

252 Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби
тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар
киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
13 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2773-8*

Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2016 йил 29 февралдаги 01-02/15-07-сон қарори (рўйхат рақами 2773, 2016 йил 6 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 14-сон, 133-модда) билан тасдиқланган Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

3. Мазкур қарор иловасининг 3-банди «б» кичик банди, 4-банди «в» кичик банди ва 16-банди «а» кичик банди қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ойдан кейин кучга киради.

Раис

А. МАВЛОНОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 13 июнь,
12/02-22-0016-сон

Ўзбекистон Республикаси
Давлат божхона қўмитасининг 2022 йил
13 июндаги 12/02-22-0016-сон қарорига
ИЛОВА

**Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби
тўғрисидаги йўриқномага киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 4-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«4. Қуйидагилар битта БЮДда декларацияланиши мумкин:

битта битимга мувофиқ ёки бундай битим тузмасдан битта жўнатувчининг манзилдан битта олувчининг манзилига битта транспорт ҳужжати

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 13 июлда эълон қилинган.

билан олиб ўтиладиган (олиб ўтилган) ва бир хил божхона режимига жойлаштириладиган товарлар, бундан темир йўл транспортида олиб ўтиладиган (олиб ўтилган) товарлар мустасно;

темир йўл транспортида олиб чиқилаётган товарлар бўйича — битта битимга мувофиқ ёки бундай битим тузмаган ҳолда битта жўнатувчидан битта қабул қилувчи манзилига битта темир йўл транспортида бир вақтда жўнатиладиган ва бир хил божхона режимига жойлаштириладиган товарлар;

темир йўл транспортида олиб кириладиган товарлар бўйича — битта битимга мувофиқ ёки бундай битим тузмаган ҳолда битта жўнатувчидан битта қабул қилувчи манзилига битта темир йўл транспорти таркибидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига бир вақтда олиб кирилган ва бир хил божхона режимига жойлаштириладиган товарлар;

битта почта юк хати билан олиб ўтиладиган ёхуд божхона чегараси орқали ўтаётган жисмоний шахснинг қўл юкида ва бағажида олиб ўтиладиган товар ёки унинг бир қисми;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатурасини (бундан буён матнда ТИФ ТН деб юритилади) талқин этишнинг 2а асосий қондасига мувофиқ йиғилмаган ёки ажратилган товарнинг таркибий қисмлари деб ҳисобланадиган ва ТИФ ТНнинг йиғилган ёки тугалланган товарга мос келувчи позициясида таснифланадиган товарлар, агар бундай товарлар битта битимга мувофиқ ёки бундай битим тузмаган ҳолда битта жўнатувчидан битта қабул қилувчи манзилига бир турдаги транспорт воситасида олиб кирилган ва божхона ҳудудига кириб келиш жойида айна битта божхона органига тақдим этилган бўлса. Бунда, товарлар олиб кирилиб аввал бошқа божхона режимига жойлаштирилмаган бўлса, БЮД Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 261-моддасида кўзда тутилган муддатлар доирасида тақдим этилиши лозим.

Агар товарлар турли божхона режимларига жойлаштириладиган бўлса, у ҳолда тўлдириладиган БЮДлар сони божхона режимлари сонига мувофиқ бўлиши лозим.»

2. 5-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5. Декларант битта божхона органига тақдим этиладиган, мазкур Йўриқноманинг 4-бандида кўрсатилган талабларга жавоб берадиган товарларни бир нечта БЮД билан декларациялаши мумкин, ТИФ ТНни талқин этишнинг 2а асосий қондасига мувофиқ йиғилмаган ёки ажратилган товарнинг таркибий қисмлари деб ҳисобланадиган ва ТИФ ТНнинг йиғилган ёки тугалланган товарга мос келувчи позициясида таснифланадиган товарлар бундан мустасно.»

3. 22-бандда:

а) 14-кичик бандда:

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Графада Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидаги ўтказиш пунктига етказиб бериш учун товарлар юкланиши лозим бўлган транспорт воситалари билан боғлиқ маълумотлар кўрсатилади.»;

бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1 АВТО: А987SA»;»;

қуйидаги мазмундаги олтинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«2 ЖД: 63453546; 97893994.»;

олтинчи — ўн учинчи хатбошилар тегишли равишда еттинчи — ўн тўрттинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

тўққизинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1 АВТО: А987SA/ K118DS»;

қуйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Графада қўшимча равишда транспорт воситаси ва ундаги товар билан боғлиқ қуйидаги маълумотлар (электрон БЮДа алоҳида ажратилган майдонларда) кўрсатилади:

транспорт воситасидаги товарнинг килограммдаги «брутто» оғирлиги; автотранспорт воситаси турининг икки рақамли коди, автотранспорт воситасининг VIN рақами, ташув тугалланадиган мамлакатнинг Дунё мамлакатлари таснифлагичига мувофиқ рақамли коди;

товарларни ташувчиси тўғрисидаги маълумотлар (ташувчи жисмоний шахс бўлса — унинг фамилияси, исми, отасининг исми, ЖШШИРи, паспорт серияси ва рақами; ташувчи юридик шахс бўлса — унинг номи, СТИРи), автотранспорт воситаси ҳайдовчисининг фамилияси, исми, отасининг исми, ЖШШИРи, паспорт серияси ва рақами;

Автотранспорт воситаси турининг икки рақамли коди қуйидаги тартибда кўрсатилади:

«10» — енгил автомобиль (ҳайдовчи ўрнини ҳисобга олмаганда 8 тадан кўп бўлмаган ўриндиққа эга бўлган);

«21» — юк автомобиль (юк кўтариш қобилияти 10 тоннагача бўлган);

«22» — юк автомобиль (юк кўтариш қобилияти 10 тоннадан 20 тоннагача бўлган);

«23» — юк автомобиль (юк кўтариш қобилияти 20 тоннадан ортиқ бўлган);

«31» — автобус (ҳайдовчи ўрнини ҳисобламаганда 12 тагача ўриндиққа эга бўлган);

«32» — автобус (ҳайдовчи ўрнини ҳисобламаганда 13 тадан 30 тагача ўриндиққа эга бўлган);

«33» — автобус (ҳайдовчи ўрнини ҳисобламаганда 30 тадан ортиқ ўриндиққа эга бўлган);

«40» — микроавтобус;

«50» — трактор;

«60» — мототранспорт;

«70» — махсус транспорт;»;

б) 39-кичик банднинг ўн биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«в) товарнинг божхона расмийлаштируви амалга оширилаётган контракт (шартнома, келишув) рақами ва санаси, шунингдек товарларни норезидент ташувчининг транспорт хизматидан фойдаланган ҳолда ташиш

бўйича тузилган контракт (шартнома, келишув) рақами, санаси ҳамда унинг Ташқи савдо операциялари ягона электрон ахборот тизимидаги идентификация рақами.».

4. 25-бандда:

а) 26-кичик банднинг йигирманчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6 рақами остида (электрон БЮДда алоҳида аниқлаштирилган жадвалда) товарларнинг агрегацияланган импорт коди кўрсатилади.»;

б) 35-кичик бандда:

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Товарлар баён этилаётган божхона режимидан аввал бошқа божхона режимига БЮД тақдим этиш орқали жойлаштирилган бўлса, графада товарларни аввалги божхона режимига жойлаштириш учун асос бўлган БЮД ҳақида қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:»;

давлат тилидаги матнда учинчи хатбошидаги «БЮД» қисқартмаси «ГТД» қисқартмаси билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги ўн учинчи — йигирма учинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Агар товарлар баён этилаётган божхона режимидан аввал божхона транзити божхона режимига жойлаштириш учун транзит декларацияси тақдим этилган бўлса, графада товарларни божхона транзити божхона режимига жойлаштириш учун асос бўлган транзит декларацияси ҳақида қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

аввалги ҳужжатнинг коди — ушбу ҳолатда «ТД»;

транзит декларациясининг рўйхат рақами;

ушбу товарнинг транзит декларациясининг 32-графасидаги тартиб рақами;

транзит декларациясининг 32-графасида кўрсатилган товарнинг, расмийлаштирилаётган брутто вазни (килограммда);

транзит декларациясининг 32-графасида кўрсатилган товарнинг, расмийлаштирилаётган нетто вазни (килограммда);

қўшимча ўлчов бирлигидаги миқдори (агар мавжуд бўлса);

қўшимча ўлчов бирлигининг ТИФ ТНга мувофиқ шартли белгиланиши (агар мавжуд бўлса).

Масалан:

ТД 06010/01.03.2022/0003761 — 3 — 7980 кг — 7900 кг — 350,2 м³.

Агар декларацияланаётган товар аввал бир нечта товар туркумларига бўлинган ҳолда бир нечта транзит декларациялари билан расмийлаштирилган бўлса, аввалги расмийлаштирилган ҳар бир транзит декларациялари тўғрисидаги маълумотлар алоҳида янги қатордан юқорида қайд этилган тартибда кўрсатилади.»;

ўн учинчи — йигирманчи хатбошилар тегишли равишда йигирма тўртинчи — ўттиз биринчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

йигирма тўртинчи хатбошидаги «БЮД» қисқартмасидан кейин «ёки транзит декларацияси» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

в) 39-кичик банднинг ўн биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«в) товарнинг божхона расмийлаштируви амалга оширилаётган контракт (шартнома, келишув) рақами ва санаси, шунингдек товарларни норезидент ташувчининг транспорт хизматидан фойдаланган ҳолда ташиш бўйича тузилган контракт (шартнома, келишув) рақами, санаси ҳамда унинг Ташқи савдо операциялари ягона электрон ахборот тизимидаги идентификация рақами.».

5. 27-банддан «40,» рақами чиқариб ташлансин.

6. 28-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«28. БЮДнинг 40 ва «С» графаларини тўлдирилиши қуйидаги ўзига хос хусусиятларга эга:

1) 40-графа. «Умумий декларация/аввалги ҳужжат».

Графада мазкур Йўриқноманинг 22-бандида белгиланган тартибда товарларни аввалги божхона режимига жойлаштириш учун асос бўлган БЮД тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади.

Агар товарларни аввалги божхона режимига жойлаштириш учун транзит декларацияси расмийлаштирилган бўлса, транзит декларацияси ҳақида қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

аввалги ҳужжатнинг коди — ушбу ҳолатда «ТД»;

транзит декларациясининг рўйхат рақами;

ушбу товарнинг транзит декларациясининг 32-графасидаги тартиб рақами;

транзит декларациясининг 32-графасида кўрсатилган товарнинг, расмийлаштирилаётган брутто вазни (килограммда);

транзит декларациясининг 32-графасида кўрсатилган товарнинг, расмийлаштирилаётган нетто вазни (килограммда);

қўшимча ўлчов бирлигидаги миқдори (агар мавжуд бўлса);

қўшимча ўлчов бирлигининг ТИФ ТНга мувофиқ шартли белгиланиши (агар мавжуд бўлса).

Масалан:

ТД 06010/01.03.2022/0003761 — 3 — 7980 кг — 7900 кг — 350,2 м³;

Агар товарларни ички божхона органига етказиб бериш учун юкни етказиб беришни назорат қилиш китобчаси ёки МДП китобчаси расмийлаштирилган бўлса, қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

етказиб беришни назорат қилиш ҳужжатининг коди: юкни етказиб беришни назорат қилиш китобчаси учун — ККДГ, МДП китобчаси учун — МДП;

товарни божхона назорати остида етказиб бериш устидан назорат ҳужжат рақами (99999/99.99.9999/ИМ999999 — пост коди/сана/юкни етказиб беришни назорат қилиш китобчаси рақами, 99999/99.99.9999/ЗХ99999999 — пост коди/сана/МДП китобчаси рақами). Бунда, юкни етказиб беришни назорат қилиш китобчаси рақамидаги ҳарфлар кирилл алифбоси ҳарфларида, МДП китобчаси рақамидаги ҳарфлар эса латин алифбосида ёзилиши шарт;

етказиб беришни назорат қилиш тўғрисидаги ҳужжатда кўрсатилган товарнинг, расмийлаштирилаётган брутто вазни (килограммда).

Масалан:

ККДГ 06006/31.03.2012/ИМ003761 — 15000 кг;

МДП 27002/01.01.2014/ХУ00156239 — 19456 кг.

Агар товар бир нечта етказиб беришни назорат қилиш тўғрисидаги ҳужжатлардан расмийлаштирилаётган бўлса, ҳар бир маълумот алоҳида янги қатордан юқорида қайд этилган тартибда кўрсатилади.

Товарларда ички божхона органига етказиб бериш учун асос бўладиган товарни божхона назорати остида етказиб бериш устидан назорат ҳужжатлари мавжуд бўлмаган ҳолларда графада қўшимча равишда ушбу ҳужжат ҳақида маълумот кўрсатилиши талаб этилмайди;

2) «С» графа.

Графада қуйидагилар кўрсатилади (маълумотларнинг ҳар бири янги сатрдан бошланади ва улардан ҳар бирининг олдида тартиб рақами қўйилади):

1 — ташқи савдо контрактининг (шартномасининг, келишувининг) Ташқи савдо операциялари ягона электрон ахборот тизимидаги идентификация рақами (бундан олиб чиқиладиган товарлар ташқи савдо контракти (шартномаси, келишуви) ижросига боғлиқ бўлмаган ҳоллар мустасно);

2 — товарларни эркин муомалага чиқариш (импорт) ёки божхона ҳудудида қайта ишлаш божхона режимларига расмийлаштиришда БЮД рўйхатга олинган сана. Агар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кинрилганда, товар эркин муомалага чиқариш (импорт) ёки божхона ҳудудида қайта ишлаш божхона режимларига жойлаштирилмаган бўлса, товарни бошқа тегишли божхона режимига жойлаштиришда расмийлаштирилган БЮД рўйхатга олинган сана кўрсатилади.»

7. 31-банднинг 1-кичик бандида:

учинчи хатбоши «МДП китобчаси» деган сўзлардан кейин «, транзит декларацияси» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«товарларни ички божхона органига етказиб бериш учун юкни етказиб беришни назорат қилиш китобчаси ёки МДП китобчаси расмийлаштирилган бўлса, қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:»;

тўртинчи — ўн биринчи хатбошилар тегишли равишда бешинчи — ўн иккинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги ўн биринчи — йигирманчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«товарларни ички божхона органига етказиб бериш учун транзит декларацияси расмийлаштирилган бўлса, транзит декларацияси ҳақидаги қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

аввалги ҳужжатнинг коди — ушбу ҳолатда «ТД»;

транзит декларациясининг рўйхат рақами;

ушбу товарнинг транзит декларациясининг 32-графасидаги тартиб рақами;

транзит декларациясининг 32-графасида кўрсатилган товарнинг, расмийлаштирилаётган брутто вазни (килограммда);

транзит декларациясининг 32-графасида кўрсатилган товарнинг, расмийлаштирилаётган нетто вазни (килограммда);

қўшимча ўлчов бирлигидаги миқдори (агар мавжуд бўлса);

қўшимча ўлчов бирлигининг ТИФ ТНга мувофиқ шартли белгиланиши (агар мавжуд бўлса).

Масалан:

ТД 06010/01.03.2022/0003761 — 3 — 7980 кг — 7900 кг — 350,2 м³.»;

ўн биринчи ва ўн иккинчи хатбошилар тегишли равишда йигирма биринчи ва йигирма иккинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

8. 70-банд «44,» рақамидан кейин «47,» рақами билан тўлдирилсин.

9. 71-бандда:

биринчи хатбошидан «, 47» рақами чиқариб ташлансин;

4-кичик банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

10. 73-банднинг 1-кичик бандида:

учинчи хатбоши «МДП китобчаси» деган сўзлардан кейин «, транзит декларацияси» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«товарларни ички божхона органига етказиб бериш учун юкни етказиб беришни назорат қилиш китобчаси ёки МДП китобчаси расмийлаштирилган бўлса, қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:»;

тўртинчи — ўн биринчи хатбошилар тегишли равишда бешинчи — ўн иккинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги ўн биринчи — йигирманчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«товарларни ички божхона органига етказиб бериш учун транзит декларацияси расмийлаштирилган бўлса, транзит декларацияси ҳақидаги қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

аввалги ҳужжатнинг коди — ушбу ҳолатда «ТД»;

аввалги транзит декларациясининг рўйхат рақами;

ушбу товарнинг аввалги транзит декларациясининг 32-графасидаги тартиб рақами;

аввалги транзит декларациясининг 32-графасида кўрсатилган товарнинг, расмийлаштирилаётган брутто вазни (килограммда);

аввалги транзит декларациясининг 32-графасида кўрсатилган товарнинг, расмийлаштирилаётган нетто вазни (килограммда);

қўшимча ўлчов бирлигидаги миқдори (агар мавжуд бўлса);

қўшимча ўлчов бирлигининг ТИФ ТНга мувофиқ шартли белгиланиши (агар мавжуд бўлса).

Масалан:

ТД 06010/01.03.2022/0003761 — 3 — 7980 кг — 7900 кг — 350,2 м³.»;

ўн биринчи ва ўн иккинчи хатбошилар тегишли равишда йигирма биринчи ва йигирма иккинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

11. 77-банд «44,» рақамидан кейин «47,» рақами билан тўлдирилсин.

12. 78-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«78. БЮДнинг 42, 45, 46, 50-графаларининг тўлдирилиши қуйидаги ўзига хос хусусиятларга эга:

1) 42-графа. «Товарнинг фактура қиймати».

Графада ташқи савдо контракти (шартномаси, келишуви) валютасида 31-графада декларацияланаётган товарни қайта ишлаш бўйича хизматлар қиймати кўрсатилади.

Беғараз асосда қайта ишлашда графада «0» кўрсатилади.

Олиб кириш контракти асосида олиб кирилган товарларни декларациялашда, товарнинг ташқи савдо контракти (шартномаси, келишуви) валютасидаги қиймати кўрсатилади.

Товарлар ва хизматлар қиймати математик қоидаларга кўра вергулдан кейинги икки белгигача аниқликда яхлитланади;

2) 45-графа. «Божхона қиймати».

Графанинг ўнг бўлмасида 31-графада декларацияланаётган товарнинг ташқи савдо контракти (шартномаси, келишуви) валютасидаги боғхона қиймати кўрсатилади. Боғхона қиймати Ўзбекистон Республикаси Боғхона кодексида белгиланган товарларнинг боғхона қийматини аниқлаш усулларига мувофиқ ҳисобланади.

Боғхона қиймати математик қоидаларга кўра вергулдан сўнг икки белгигача аниқликда яхлитланади;

3) 46-графа. «Статистик қиймат».

Графада 45-графада келтирилган боғхона қиймати асосида ҳисобланган товарларнинг статистик қиймати минг АҚШ долларларида кўрсатилади. Статистик қиймат математик қоидаларга кўра вергулдан кейинги уч белгигача аниқликда яхлитланади.

Статистик қийматни ҳисоблашда БЮД боғхона расмийлаштируви учун қабул қилинган кунда амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курс қўлланилади;

4) 50-графа. «Ишонч билдирган шахс».

Графа мазкур Йўриқноманинг 25-бандига мувофиқ, қуйидаги ўзига хос хусусиятларни инобатга олган ҳолда тўлдирилади:

графада қўшимча равишда қуйидаги мазмундаги ёзув амалга оширилади: «Товарни қайта ишлаш муддати якунлангач уни бошқа боғхона режимига жойлаштириш учун боғхона органларига мурожаат қилиш мажбуриятини оламан».».

13. 81-банднинг 1-кичик бандида:

тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Олиб чиқиш контракти асосида олиб чиқилаётган товарларни декларациялашда, товарнинг ташқи савдо контракти (шартномаси, келишуви) валютасидаги қиймати кўрсатилади.».

қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Товарлар ва хизматлар қиймати математик қоидаларга кўра вергулдан кейинги икки белгигача аниқликда яхлитланади;».

14. 88²-банднинг 2-кичик банди тўртинчи хатбошисидаги «999999999» коди «999999999999999» коди билан алмаштирилсин.

15. 11-илованинг 46-позицияси қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«

46	Зарур ҳужжатлар (бундан рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар мустасно) ва маълумотлар тақдим этилмаганлиги сабабли шартли чиқариб юборилган товарлар	036
----	---	-----

».

16. 12-иловада:

а) қўйидаги мазмундаги 17¹ ва 17² позициялар билан тўлдирилсин:

«

17 ¹ .	Норезидент ташувчининг транспорт хизматидан фойдаланиш бўйича тузилган контракт (шартнома, келишув)	305	КНТ_ТР
17 ² .	Норезидент ташувчининг транспорт хизматидан фойдаланиш бўйича тузилган контракт (шартнома, келишув)нинг Ташқи савдо операциялари ягона электрон ахборот тизимидаги идентификация рақами	306	IDN_ТР

»;

б) 18 ва 69³-позициялар чиқариб ташлансин;

в) қўйидаги мазмундаги 69¹⁸-позиция билан тўлдирилсин:

«

69 ¹⁸ .	Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган товарлар бўйича тўланиши лозим бўлган божхона тўловлари миқдорини аниқлаш бўйича дастлабки қарор	869	ПРТП
--------------------	---	-----	------

».

17. 15-илова қўйидаги мазмундаги 69¹-позиция билан тўлдирилсин:

«

69 ¹ .	Кўкдала тумани	1710240
-------------------	----------------	---------

».

18. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

Келишилди:

**Савдо-саноат
палатаси раиси**

Д. ВАХАБОВ

2022 йил 2 июнь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИХАЛАР
МИЛЛИЙ АГЕНТЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИҚТИСОДИЙ ЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ
ҚУРАШИШ ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

253 Кристо-активлар муомаласи соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи шахслар учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
13 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3309-2*

Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 майдаги ПФ–5446-сон «Бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини тубдан ошириш ва иқтисодий жиноятларга қарши курашиш механизмларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги ПҚ–3150-сон «Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги ва Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти **қарор қилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигининг 2021 йил 8 июндаги 3-сон ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг 2021 йил 7 июндаги 16-сон қарори (рўйхат рақами 3309, 2021 йил 9 июнь) (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 09.06.2021 й., 10/21/3309/0544-сон) билан тасдиқланган Кристо-активлар муомаласи соҳасидаги фаолиятини амалга оширувчи шахслар учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 13 июлда эълон қилинган.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги директори

Д. ЛИ

Тошкент ш.,
2022 йил 17 июнь,
1-сон

Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти бошлиғи

Д. РАХИМОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 15 июнь,
17-сон

Ўзбекистон Республикаси
Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги
2022 йил 17 июндаги 1-сон ва Бош
прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноят-
ларга қарши курашиш департаментининг
2022 йил 15 июндаги 17-сон қарорига
ИЛОВА

Крипто-активлар муомаласи соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи шахслар учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча

1. 5-банднинг биринчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигига» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлигига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 6-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 8-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«8. Масъул ходим лавозимига ўз фаолияти ва шахсий хулқ атворида ишониб топширилган бўлинмани нотўғри бошқарганини намоён этган ҳамда судланганлик муддати тугалланмаган ёки олиб ташланмаган шахслар таъинланиши мумкин эмас.

Крипто-активлар муомаласи соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи шахснинг раҳбари лавозимида:

ўз фаолияти ва шахсий хулқ атворида ишониб топширилган бўлинмани нотўғри бошқарганини намоён этган;

террористик фаолиятда ёки оммавий қирғин қуроллари тарқатишда иштирок этган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган;

иктисодий жиноятлар, шунингдек, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризм, оммавий қирғин қуроллари тарқатиш, уларни молиялаштириш, уюшган жиноятчилик, гиёҳванд моддалар ноқонуний савдоси, коррупция ва ахборот технологиялари билан боғлиқ жиноятларни содир этганлик учун судланганлиги олиб ташланмаган ёки ўталмаган шахслар тайинланиши мумкин эмас.».

4. Қуйидаги мазмундаги 8¹-банд билан тўлдирилсин:

«8¹. Крипто-активлар муомаласи соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи шахснинг устав жамғармасида:

мазкур Қоидаларнинг 8-банди тўртинчи ва бешинчи хатбошиларида кўрсатилган шахсларнинг;

оффшор ҳудудларда рўйхатдан ўтган компанияларнинг иштирок этиши тақиқланади.».

5. 10-банднинг саккизинчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. 14-бандда:

бешинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигига» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлигига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

саккизинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. 35-банднинг ўттиз иккинчи хатбошисидаги ва 57-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**254** Ўзбекистон Республикасида алоҳида лицензия олмасдан қимматли қоғозлар бозорида андеррайтинг фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган чет эл банклари ва инвестиция воситачилари учун ягона ва шаффоф мезонларни тасдиқлаш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
13 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3375*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 17 январдаги ПҚ–90-сон «Капитал бозорини қўллаб-қувватлашнинг самарали механизмларини жорий этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **бюраман:**

1. Ўзбекистон Республикасида алоҳида лицензия олмасдан қимматли қоғозлар бозорида андеррайтинг фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган чет эл банклари ва инвестиция воситачилари учун ягона ва шаффоф мезонлар иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ойдан кейин кучга киради.

3. Мазкур буйруқ 2023 йилнинг 31 декабрига қадар амал қилади.

Вазир

Т. ИШМЕТОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 4 июнь,
13-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 13 июлда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг 2022 йил 4 июндаги
13-сон буйруғига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикасида алоҳида лицензия олмасдан қимматли қоғозлар бозорида андеррайтинг фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган чет эл банклари ва инвестиция воситачилари учун ягона ва шаффоф МЕЗОНЛАР

Мазкур Мезонлар Ўзбекистон Республикасида алоҳида лицензия олмасдан қимматли қоғозлар бозорида андеррайтинг фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган чет эл банклари ва инвестиция воситачилари учун ягона ва шаффоф талабларни белгилайди.

1. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикасида алоҳида лицензия олмасдан қимматли қоғозлар бозорида андеррайтинг фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган чет эл банклари ва инвестиция воситачилари учун ягона ва шаффоф мезонлар ҳисобланади:

имтиёзли солиқ режимини тақдим этувчи ва (ёки) охирги бенефициар мулкдорнинг шахсини ошкор этишни ҳамда молиявий операцияларни амалга ошириш чоғида ахборот тақдим этишни назарда тутмайдиган давлатда ёки худудда (оффшор худудда) рўйхатдан ўтмаган бўлиши;

Қимматли қоғозлар комиссиялари халқаро ташкилотига (IOSCO) аъзо бўлган ҳамда андеррайтерлик фаолиятини амалга ошириш учун Қимматли қоғозлар комиссиялари халқаро ташкилотининг (IOSCO) маслаҳатлашув, ҳамкорлик ва ахборот алмашинуви бўйича кўп томонлама Англашув меморандумини тўлиқ имзолаган давлатнинг капитал бозорини тартибга солувчи ваколатли органи томонидан лицензияланган бўлиши;

Ўзбекистон Республикасида эмиссия қилинган қимматли қоғозларни сотиб олиш истагини билдирган ўз мижозларини «Ўз мижозингни бил» (KYC) ва «Даромадни легаллаштиришга қарши курашиш» (AML) тизимларига мувофиқ тўлиқ текшириш мажбуриятини ўз зиммасига олиши;

«Euroclear» ва «Clearstream» халқаро қимматли қоғозлар депозитарийларига интеграция қилинган бўлиши;

ўз маблағларининг минимал миқдори чет эл банки учун 100 000 000 АҚШ доллари ва инвестиция воситачилари учун 1 000 000 АҚШ долларини ташкил этиши;

охирги уч йилда амалга оширилган акцияларни бирламчи оммавий тақлиф (ИРО) ёки бошқа усуллар орқали жойлаштиришга оид битимларининг умумий ҳажми 100 000 000 АҚШ долларидан кам бўлмаслиги;

чет эл банки ва инвестиция воситачилари энг камида «S&P Global Ratings» ёки «Fitch Ratings» рейтинг агентликлари томонидан мос равишда «BBB-» ва «BB-» ёки «Moody's» рейтинг агентлиги томонидан мос равишда «Вaa3» ва «Ba3» даражасидаги кредит рейтинги билан баҳоланган бўлиши.

2. Мазкур Мезонлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

Келишилди:

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

2022 йил 23 май

*Савдо-саноат
палатаси раиси*

Д. ВАХАБОВ

2022 йил 6 май

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СПОРТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

255 «Спорт турлари бўйича ягона спорт таснифи тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
16 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2921-5*

Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 14 мартдаги ЎРҚ-759-сон «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 февралдаги ПФ-75-сон «Туризм, маданий мерос ва спорт соҳаларида давлат бошқарувини такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг 2017 йил 4 июлдаги 3-мх-сон «Спорт турлари бўйича ягона спорт таснифи тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига (рўйхат рақами 2921, 2017 йил 28 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 35-сон, 935-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 16 июлда эълон қилинган.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

А. ИКРАМОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 13 июль,
9-мх-сон

Ўзбекистон Республикаси
спортни ривожлантириш вазирининг
2022 йил 13 июлдаги 9-мх-сон буйруғига
ИЛОВА

**«Спорт турлари бўйича ягона спорт таснифи тўғрисидаги
низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга киритилаётган
ўзгартиришлар**

1. Қарор муқаддимасидаги «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 31 июлдаги 477-сон «Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига» деган сўзлар «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонунига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Низомда:

а) муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Низом спорт турлари реестрига киритилган спорт турлари бўйича тегишли спорт унвонлари ва спорт разрядларини бериш учун бажарилиши зарур бўлган нормалар ва талаблар ҳамда уларни бажариш шартларининг мазмунини, ягона спорт таснифини шакллантириш, шунингдек спорт турлари бўйича спорт унвонлари ва спорт разрядларини бериш тартибини белгилайди.»;

б) 14-банд, 20-банднинг биринчи хатбошиси ва 28-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Спортни ривожлантириш вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

в) 15-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлигининг» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Спортни ривожлантириш вазирлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

г) 21-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлигига» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Спортни ривожлантириш вазирлигига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

д) 22-банднинг «в» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«в) паспорт ёки идентификацияловчи ID-картаси нусхаси (16 ёшга тўлмаган спортчиларнинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси ёки идентифи-

кацияловчи ID-картаси нусхаси, чақирилувчининг қайд этилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаси ёки ҳарбий гувоҳномаси нусхаси);»;

е) 26-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошиларидаги «Ўзбекистон Республикаси туризм ва спорт вазирининг» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси спортни ривожлантириш вазирининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ж) 30-банднинг иккинчи ва тўртинчи хатбошиларидаги «Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар туризм ва спорт бош бошқармалари» деган сўзлар «Қорақалпоғистон Республикаси Спортни ривожлантириш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар спортни ривожлантириш бош бошқармалари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

з) 32-банднинг «в» кичик банди қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«в) паспорт ёки идентификацияловчи ID-картаси нусхаси (16 ёшга тўлмаган спортчиларнинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси ёки идентификацияловчи ID-картаси нусхаси, чақирилувчининг қайд этилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаси ёки ҳарбий гувоҳномаси нусхаси);».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СПОРТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

256 «Гимнастика бўйича республика ихтисослаштирилган олимпия захиралари болалар-ўсмирлар спорт мактабига ўқувчи-спортчиларни конкурс асосида танлаб олиш ва қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
16 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3137-2*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 февралдаги ПФ–75-сон «Туризм, маданий мерос ва спорт соҳаларида давлат бошқарувини такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирининг 2019 йил 7 январдаги 2-мх-сон «Гимнастика бўйича республика ихтисослаштирилган олимпия захиралари болалар-ўсмирлар спорт мактабига ўқувчи-спортчиларни конкурс асосида танлаб олиш ва қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғига (рўйхат рақами

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 16 июлда эълон қилинган.

3137, 2019 йил 18 февраль) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 18.02.2019 й., 10/19/3137/2632-сон) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

А. ИКРАМОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 13 июль,
8-мҳ-сон

Ўзбекистон Республикаси
спортни ривожлантириш вазирининг
2022 йил 13 июлдаги 8-мҳ-сон буйруғига
ИЛОВА

«Гимнастика бўйича республика ихтисослаштирилган олимпия захиралари болалар-ўсмирлар спорт мактабига ўқувчи-спортчиларни конкурс асосида танлаб олиш ва қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа киритилаётган ўзгартиришлар

1. Буйруқ муқаддимасидаги «2018 йил 5 мартдаги ПҚ-3583-сон «Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигини ташкил этиш тўғрисида»ги» деган сўзлар «2022 йил 18 февралдаги ПҚ-136-сон «Спортни ривожлантириш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Низомда:

а) муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Низом Гимнастика бўйича республика ихтисослаштирилган Олимпия захиралари болалар-ўсмирлар спорт мактабига (бундан буён матнда гимнастика мактаби деб юритилади) ўқувчи-спортчиларни конкурс асосида танлаб олиш ҳамда қабул қилиш тартибини белгилайди.»;

б) 5-банддаги «Ўзбекистон Республикаси туризм ва спорт вазирининг» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси спортни ривожлантириш вазирининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

в) 6-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Спортни ривожлантириш вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги
маълумотни маълум қилади

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасининг 2022 йил 30 июндаги 09/ЮБ-25-сон «Саноат хавфсизлиги соҳасидаги эксперт ташкилотларини аккредитация қилиш ва улар фаолияти устидан инспекция назоратини ўтказиш қоидаларининг 1а-иловасига ўзгартириш киришиш тўғрисида»ги қарори.

2022 йил 13 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2022-4.

2. Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасининг 2022 йил 30 июндаги 09/ЮБ-26-сон «Саноат хавфсизлиги соҳасидаги экспертларни тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 1-иловасига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори.

2022 йил 13 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2045-4.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2022 йил 13 июндаги 12/02-22-0016-сон «Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

2022 йил 13 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2773-8.

4. Ўзбекистон Республикаси Истикболли лойиҳалар миллий агентлиги 2022 йил 17 июндаги 1-сон ва Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг 2022 йил 15 июндаги 17-сон «Крипто-активлар муомаласи соҳасидаги фаолиятини амалга оширувчи шахслар учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги қарори.

2022 йил 13 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3309-2.

5. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2022 йил 4 июндаги 13-сон «Ўзбекистон Республикасида алоҳида лицензия олмасдан қимматли

қоғозлар бозорида андеррайтинг фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган чет эл банклари ва инвестиция воситачилари учун ягона ва шаффоф мезонларни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи.

2022 йил 13 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3375.

6. Ўзбекистон Республикаси спортни ривожлантириш вазирининг 2022 йил 13 июлдаги 9-мх-сон «Спорт турлари бўйича ягона спорт таснифи тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2022 йил 16 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2921-5.

7. Ўзбекистон Республикаси спортни ривожлантириш вазирининг 2022 йил 13 июлдаги 8-мх-сон «Гимнастика бўйича республика ихтисослаштирилган олимпия захиралари болалар-ўсмирлар спорт мактабига ўқувчи-спортчиларни конкурс асосида танлаб олиш ва қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2022 йил 16 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3137-2.